



ЦАРСКОЕ СЕЛОДАГИ БЕШ ОЙЛИК КАМОКДА

(1917 йилнинг март-август)

Шаханшоҳ оиласи Царское Селода 1917 йилнинг августигача қолиб кетади. Бу оила билан ўтказганим беш ой мобайнида мен бизнинг умумий ҳаётимиз кундалигини юргиздим. Одоб юзасидан мен ҳаётимизни бус-бутунича қайта гавдалантиришдан тийилман. Имкони борича тирикларга тил теккизишдан эҳтиёт бўлман. Шаханшоҳнинг ўзи ёки унинг оиласи феъл-атворлари ёхуд шу бир канча ойлик сурункали азоб-укубатлар вақтида уларни рухлантириб турган туйгуларга дахл қилувчи масалаларни ҳам тилга олишдан ўзимни тияман.

Якшанба, 1 апрел. Алексей Николаевич ўзини анча тетик ҳис этар эди. Эрталаб Ҳазрати Олийлари, маликаи олиялари Ольга ва Татьяна ҳамда биз билан камок азобларини бирга баҳам кўрган аъёнлардан бир нечалари келиб жойлашган черковга йўл олдик. Роҳиб ва рус иттифокдош кўшинлар муваффақиятини тилаб ибодат қила бошлаганида шаханшоҳ ва малика тиз чўкишди, барча хозир бўлганлар ҳам уларга эргашиб шундай қилдилар.

Бир неча кун аввал Алексей Николаевич хузуридан чиқиб келаётганимда йўлак бўйлаб у ёқдан-бу ёққа кезиниб юрган ўн икки солдатга дуч келдим. Мен уларга яқин бориб нима кераклигини сўрадим.

-Биз валиаҳдни кўрмокчимиз, - дейишди улар.

-У бетоб, кўриш мумкин эмас.

-Бошқалар-чи?

-Уларнинг ҳам товлари йўқ.

-Шох-чи, у қаерда?

-Билмадим.

-Сайр қилгани борар эканми?

-Билмадим, менга каранглар, бу ерда турманглар, бу ерда касаллар бор, шовкин солиш мумкин эмас.

Содатлар бурилишди-да, паст овозда гапирганча оёқ учида юриб чиқиб кетишди. Собик шаханшоҳни ёмон кўрувчи ёвуз революционерлар ҳақида бизга сўзлаб беришган солдатлар, ажабки, мана шулар эди...

Сешанба, 3 апрел. Керенский бугун саройга биринчи марта келди. У барча хоналарни биттама-битта кўриб чиқди ва бизларни яхши кўриклашаётганларига шахсан ишонч ҳосил

килиш ниятида сокчиларнинг барча постларини текширди. Кетишдан олдин у шаханшоҳ ва малика билан узок суҳбатлашди.

Чоршанба, 4 апрел. Алексей Николаевич кеча Керенский ва шаханшоҳ билан малика ўртасида бўлиб ўтган суҳбатни хикоя қилиб берди.

Бутун хонадон вакиллари маликаи олияларнинг хоналарига жам бўлган эдилар.

Керенский қиради-да, «Мен бош прокурор Керенскийман», деб ўзини таништиради.

Кейин у ҳамма билан кўл олишади-да, маликага бурилиб дейди: «Англия кироличаси собик малика борасидаги янгликлардан хабардор этишни сўраяптилар».

Хазрати Олиялари ўзига нисбатан биринчи марта бу тахлит мурожаат қилишаётганидан кип-қизариб кетди. У, ўзимни ёмон сезяпман-у, аммо одатагидек кўнглим хотиржам эмас, деб жавоб беради. Керенский давом этади:

-Мен бошлаган ишимни миридан сиригача куч ва имкониятим етганича ул зоти олияларига етказаман. Петрогардга ҳамма нарса хақида хабар етказмок имкониятига эга бўлмогим учун мен хаммасини ўз кўзим билан кўрмокчи, хаммасини ўзим текширмокчиман ва бу биз учун дуруст хам бўлади деб ўйлайман.

Сўнг шаханшоҳга у билан яккама-якка суҳбатлашиш истаги борлигини айтиб, кўшни хонага мархамат қилишини сўрайди. Хонага аввал ўзи, орқасидан шаханшоҳ қиради.

У кетгандан кейин шаханшоҳ шундай хикоя қилади: Керенский билан холи қолгач, прокурор деди: «Биласизми, мен ўлим жазосини бекор қилиш учун келдим... Кўпчилик дўстларим улар эътиқодлари қурбонларига айланганига қарамай, мен шундай қилмокдаман».

Гарча Керенский ўзи бунга арзимаса-да, бу билан у ўзининг олифжаноблигини кўз-кўз қилмокчи, шаханшоҳ хаётини саклаб қоляпман деб мактанмокчи бўлдимикин?

Сўнгра у бизнинг жўнашимиз борасида оғиз очди ва бу ишни қанча тез қилинса, шунча яхши бўлар эди, деган истакни билдирди. Аммо қандай қилиб ва қайсика жўнашимиз қерак – бу ҳақда унинг ўзи хам ҳеч нарса билмас эди ва бу ҳақда чурқ этмасликни илтимос қиларди.

Алейсей Николаевич учун бу жуда қаттиқ зарба эди, боз устига, у ҳозирча уларнинг янги ахволи борасида ўйлаб кўриши хаёлига хам қелмаганди. Отасининг топширик олаётганини ва хизматқордек қуллуқ қилиб туришини у биринчи кўриши эди.

Маълумот учун қичик бир далил. Керенский саройга шаханшоҳ гаражи хайдовчиси хайдаб қелган, шаханшоҳга қарашли бўлган автомобилда қелганди.

Жума, 6 апрел. Бугун шаханшоҳ менга, газета ўқиётиб қаттиқ қайгуга ботдим, деб айтди. Кўшинда парокандалик, на буйруққа бўйсуниб бор, на тартиб-интизом қолган. Зобитлар изларидан тушган жосус солдатлардан юрак олдириб қўйишган. Кўришиб турибдики, у жуда яхши кўрадиган кўшиннинг парокандаликка юз тутиши шаханшоҳни қаттиқ изтиробга солган.

Якшанба, 8 апрел. Тушлиқдан кейин Керенский шаханшоҳга уни маликадан ажратишга мажбурлигини, у алоҳида туриши қерақлигини ва малика билан фақат тушлиқ вақтидагина кўриша олишини, шунда хам улар ўртасидаги суҳбат фақат ва фақат рус тилида бўлиши шартлигини маълум қилди. Чойни хам бирга ичишлари мумкин, аммо зобит уларнинг бошида туради, чунки хизматқорларга қириш ман этилади.

Бир мунча муддатдан кейин малика қаттиқ хаяжонга тушган ҳолда менинг олдимга қелиб шундай дейди: «Хукмдор билан бу тариқа муомала қилиш — ахир бу пасткашлик-ку, ахир хукмдор ўзини қурбон қилди, фуқаролар урушининг олдини олиш учун тахтдан воз қечди... Бу қандай бемаънилик, қандай разолат! Шаханшоҳ ўзи туфайлидан лоқал

битта рус фукаросининг кони тўқилмаслигини хохлаб эди-ку. Агар Россия фаровонлиги учун хизмат килишига амин бўлса, у хар доим хамма нарсадан воз кечишга тайёр эди. Сўнг бирпас сукут саклаб, кўшиб кўйди: «Ха, бошимизда хали бу аламли кунларни хам кўриш бор экан-да».

Душанба, 9 апрел. Кейин билдимки, Керенский даставвал маликани алохида сакламокчи бўлган экан, бироқ унга бемор болалари билан онани бир-биридан жудо килиш инсофдан эмаслигини тушунтиришибди ва шундан кейин у бу чорани шаханшоҳга нисбатан кўллабди.

Муборак Жума, 13 апрел. Кечкурун бутун оила ибодат килади.

Шанба, 14 апрел. Эрталаб соат тўққиз яримда тушлик ва Кутлуг Сирлар ибодатини ўтказдик. Кечаси соат ўн бирда хаммалари рўза тутишга тўпланишди. Сарой коменданти ва Керенскийнинг дўсти полковник Коровиченко хам хозир бўлди, бундан ташкари уч нафар кўрикчи зобит бор эди.

Ибодат соат иккида тугайди, шундан сўнг одатдагидек бир-бирларини табриклаш учун хамма кутубхонага келади. Рус таомилига биноан шаханшоҳ бирча эркаклар — шу жумладан, унинг қошида колган комендант ва кўрикчи зобит билан чўкинади. Комендант ва кўрикчи зобит гўзал хулқи одобдан хаяжонга тушганини яшира олмайди.

Сўнг хамма огиз очишга доира стол атрофида ўтиради. Хазрати Олий ва Хазрпати Олиялари бир-бирига рўпарама-рўпара жойлашишади. Икки зобитни кўшиб хисоблаганда бизлар жами ўн етти нафар одам эдик. Маликаи олиялари Ольга ва Мария шунингдек, Алексей Николаевич йўқ эдилар. Бошда хукм сурган жонланиш тез гойиб бўлади ва сухбатлар тинади. Айниқса малика каттик сукутда эди. Бу кайгуданмикин ё толиқишданмикин?

Якшанба, 15 апрел. Биз Алексей Николаевич билан биринчи марта айвонга чиқамиз. Ажойиб баҳор куни.

Кечкурун соат еттида юкоридаги болалар хонасида ибодат килинади. Биздан факат ўн беш нафар одам иштирок этади. Кохин Муваккат ҳукумат учун дуолар ўқиганида шаханшоҳнинг жуда такводорлик билан чўқинганига эътибор қилдим.

Эртасига об-хаво хаддан ташкари ажойиб бўлди. Биз бокка чикдик, у ерда зобитлар, кўрикчилар ва сокчилар хамрохлигида сайр этишимизга рухсат берилганди.

Бир оз баданларимизни чиниктириб олишимиз учун биз эрмакка баъзи ишларни бажарамиз, кўлтиқдаги дамбаларни муздан тозалаймиз. Бизнинг ишлашимизни томоша килиш учун хаял ўтмай бог деворлари ёкалаб солдатлар ва фукаролар оломони тўпланади. Бирмунча муддатдан кейин кўрикчи зобит шаханшоҳга яқин борди-да, Царскосельский гарнизони коменданти хозиргина хабар йўллаганини, низоли намойиш ўтказилиши ёки хатто шаханшоҳ хонадонига қарши суикасд уюштирилишидан хавотирланаётганини, шу боис бизлар хозирги турган жойимизни тарқ этишимиз лозимлигини айтди. Бунга жавобан шаханшоҳ, мен ҳеч нарсадан хавотирланаётганим йўқ ва бу софдил одамлардан заррача хижолат бўлаётганим хам йўқ, дея жавоб кайтарди.

Чоршанба, 18 апрел. Хар гал чиқибкелганимизда бизларни найзали милтик тутган бир неча солдат зобит буйруги остида қуршаб олади ва кадам-бакадам ортимиздан қузатиб юришади. Кўрикчилар орасида ўзимизни бамисоли каторга қилинган махбуслардек хис этамиз. Хар куни йўриқномалар ўзгариб туради, ёки эҳтимол, зобитлар уларни ўз билганларича талкин этадилар!

Бугун тушлиқдан кейинги сайрдан сўнг биз саройга келганимизда эшик тагидаги сокчи шаханшоҳни тўхтатди-да, унга: «Полковник, йўл йўқ», деди.

Шунда бизга хамрохлик килаётган зобит аралашишга мажбур бўлди. Шаханшоҳ отасини аллакандай солдат тўхтатганини кўриб, Алексей Николаевия чўгдай кизариб кетди. Жума, 20 апрел. Биз энди кунда икки марта сайр этар эдик: эрталаб, соат ўн бирдан ўн иккигача ва тушлиқдан кейин соат бешгача. Барчамиз яримдоира танобий уйга тўпланамиз-да, кўрикчилар бошлигининг бокка олиб чиқадиган эшикни очишини кутиб турамыз. Кейин биз чиқамиз. Коровул зобит ва солдатлар изимиздан юриб келишади-да, биз ишлайдиган жойни куршаб олишади. Малика ва маликаи олиялари Ольга ва Мария хозирча чиқишгани йўқ.

Якшанба, 22 апрел. Кўлтикка бориш тақиклаб кўйилди. Биз сарой олдида жилмаслигимиз ва бизга кўрсатилган майдондан бир кадам ташқарига босиб ўтмаслигимиз керак. Узокдан бизни кўрмокни истаган бир неча юз нафар кизикувчан одамлар тўдасини кўрамыз.

Чоршанба, 25 апрел. Керенский саройга келди. Бундан фойдаланиб доктор Боткин Керенскийдан болаларнинг тоби йўқлигини бахона қилиб, шох хонадонини Ливадияга жўнатиш имконияти бор ёки йўқлигини сўради. Керенский, бунинг хозир асло имконияти йўқ, деб жавоб берди. Кейин у Хазрати Олийлари ва Хазрати Олиялари хузурига йўл олди ва у ерда узок қолиб кетди. Керенский энди шаханшоҳ билан илгаригидек муомала қилмаётган ва овозидан судья оҳанги келаётган эди. Мен шу нарсага аминманки, у шаханшоҳнинг асли канакалигини ва ахлоқу одобда ўзидан неча баробар устун туришини тушуна бошлаган эди. Шаханшоҳни яқиндан билган кишиларнинг барчаси буни эътироф этар эди. Керенский матбуотнинг шаханшоҳга ва айниқса маликага қарши ташвиқотига чек қўйиш ниятида унга мурожаат қилди. Бу барча бўхтонлар оловга ёғ сепар эди, холос. Махбусларга нисбатан масъулиятни у ўз заммасига олгандек эди. Дарвоқе, бизнинг чет элга кетишимиз хусусида бир оғиз ҳам гап бўлмаётган эди. Бу унинг заифлигидан нишона эди.

Якшанба, 29 апрел. Кечкурун Жаноби Олийлари ва Олиялари билан Алексей Николаевичнинг машгулотларига тааллуқли узокдан-узок суҳбат бўлди. Бу мушкул аҳволдан чиқиб кетиш чорасини топиш керак эди, чунки бизда энди бошқа ўқитувчи йўқ эди. Шаханшоҳ тарих ва жугрофиядан, малика – Дин акойидларидан дарс беришни зиммаларига олишди. Коган фанларни қуйидаги шахслар ўзаро бўлишиб олишди: баронесса Буксгевден (инглиз тили), m-lée Шнейдер (арифметика), доктор Боткин (рус тили) ва мен.

Душанба, 30 апрел. Бугун эрталаб шаханшоҳ мен билан кўришиб туриб, қуйидаги сўзлар билан саломлашди: «Салом, азиз хамкасбим». У Алексей Николаевичга дастлабки сабоқни бергани кетаётган эди. У ўша-ўша хотиржам, ўша-ўша гамхўр эди – унинг бадқисмат тақдирига хамдард бўлганларга жонини фидо қилгудек, У биз учун намуна ва бардамлик тимсоли эди.

Мен Татьяна Николаевнага ота-оналари ўқишсин деб Огюст Говен 1917 йил 18 мартда ёзган Dibats даги мақолани бердим.

Биздаги тартиб-қоидалар тобора каттиқроқ бўлиб бораётгани сезили турарди.

Сешанба, 1 май. Россияда Биринчи майни илк бора байрам қилашяпти. Кулогимизга қарнайлар овози чалинади ва бог девори ёқалаб намойишчиларнинг узун сафи ўтиб бораётганини кўрамыз.

Бугун кечкурун шаханшоҳ менга Dibats журналидан олинган мақолани қайтариб берди, унда шаханшоҳнинг тахтдан воз кечгани хақида сўз юритиларди. У менга ўзи ва малика бу мақолани мамнуният билан ўқишганини сўзлади, мақолада шаханшоҳга нисбатан

одилона сўзлар айтилган ва макола руҳи инглиз журналлари руҳига бутунлай карама-карши бўлибди.

Пайшанба, 3 май. Шаханшоҳ кечкурун менга сўнги кунлардаги хабарлар гоёда ахмокона тус олганини айтди. Фаёқулудда партиялар Франция ва Англиянинг тинчликни «аннексия ва контрибуцияларсиз» эътироф этишини талаб қилмоқда эдилар. Харбий қочқоқлик тобора авж олмақда ва армиянинг тинкаси қуриб бормоқда. Муваққат ҳукумат урушни давом этиришга қучи етармикан?

Шаханшоҳ воқеаларни зўр қизиқиш билан қузатиб борарди. У ташвишланар, аммо мамлакат ҳали ўзини ўнглаб олишига ва садокатли иттифоқдош бўлиб қолишига умид қиларди.

Якшанба, 13 май. Мана, икки кундурки, бог қўлобларида қозиллик ер очиш билан оворамиз. Чим ўйиб, унинг бўлақларини қамбилда элтиб, бир жойга тахлар эдик. Барчамиз ишлардик: шох хонадони, биз ва бирмунча вақтга биз билан бирга чиқиб турган хизматқорлар. Бизга яна ёрдам бергани қўриқчилардан бир неча солдат ҳам келди.

Сўнги вақтларда шаханшоҳнинг авзойи гоё ташвишли қўриниш олганди. Сайрдан қайтаётиб, у менга деди:

-Русский истецъфога қилганга ўқшайди. У ҳужумга ўтишни илтимос қилибди (энди буюришмаётганди) – солдат қўмиталари руҳсат бермабди. Агар бу тўғри бўлса, ҳаммаси тамом бўлди деяверинг... Қандай шармандалик. Химоялан, аммо ҳужумга ўтма – бу ўз жонига суикас қилиш билан баробар-ку. Биз иттифоқдошларнинг янчилиб қетишларига йўл қўйиб беряпмиз, кейин бизга ҳам навбат келади.

Душанба, 14 май. Кечаги суҳбатимизга қайтар экан, шаханшоҳ қўшиб қўйди: «Бизда муболага қилишни яхши қўришлари бир оз умид пайдо қилади. Фронда армия ҳозир гапиришаётган аҳволга туши қолганига сира ишонгим қолмайди. У атиги икки ой ичида бу қадар парокандаликка ўраши мумкин эмас-ку».

Пайшанба, 17 май. Хн беш кун давом этган оғир ҳукумат бўҳронидан ҳалос бўлишаётгандек туюлмақда. Петрограддан анча қўнғилга таскин берувчи хабарлар олинмоқда. Солдат ва ишчилардан бир неча вақил қирган янги Министрлар Совети, эътимол, ўз ҳокимиятини ўрнатишга муваффақ бўлар. Шундай бўлса-да, бошбошқоқлик қенг қулоқ ёймоқда.

Шанба, 19 май. Шаханшоҳнинг тугилган қуни (қирк тўққиз ёш). Зиёфат ва қутловлар.

Якшанба, 27 май. Анчадан бери бизни ўтиндан қисиб қўйишган ва уйларимиз муздек. Наршикина хоним (Саройнинг стат-дамаси) оғриб Қолди ва уни бугун олиб қетишди, чунки унинг қасалига яхши қарашмаса бўлмасди, бундай шароит эса бу ерда йўқ эди. У биз билан ажрашишига тўғри қелаётганидан қаттиқ изтироб қиларди. Энди унга қайтиб қелишга руҳсат беришмаслигини у қиларди.

Шанба, 2 июн. Биз хар қуни қозимизда ишлаймиз ва шалма-қалдан қатнаб қочқада сув ташиб, экинни сугорамиз.

Якшанба, 10 июн. Бир неча кун олдин болалар уларнинг оролчасида ўйнашди.

(Қўлчанинг ўртасидаги сунъий оролча.) Алексей Николаевич жонидан ортик қўрадиган ихчамгина милтиқчаси билан андармон, бу милтиқчани шахзода болалигида отасидан олган эди. Бир қобит бизга яқин қелиб, менга солдатлар шахзодадан милтигини олиб қўйишга қарор қилишганини ва ҳозир улар ўз қарорларини қажаришга қелишаётганини айтди. Буни эшитиб Алексей Николаевич милтигини қўйди-да, биздан бир неча метрлар нарида қимзорда ўтирган онаси қошига қорди. Бир дақиқа ўтиб навбатчи қобит икки

солдат билан келди-да, милтикни хакикий эмас, ўйингчок эканини ушунтиришга ҳаракат килдим. ҳаракатим беҳуда кетди – солдатлар милтикни олишди. Алексей Николаевич йиглай бошлади. Онаси солдатларга тушунтиришга яна бир уриниб кўринг, деб илтимос килди, бироқ иккинчи уринишим биринчисидан ҳам муваффақиятсизроқ чиқди ва солдатлар ўлжа билан у ердан узоклашишди.

Ярим соатдан кейин навбатчи зобит мени бир четга олиб борди-да, шахзодага айтиб кўйинг, хафа бўлмасин, биз шундай килмасак бўлмасди, деди. Солдатларни бундай килмасликка кўндириш йўлини ўйлаб, унинг ўзи улар билан келишни макбул деб топибди, акс холда солдатлар милтикни олишда бирон-бир кўполлик ишлатишлари ҳеч гап эмас. Воқеадан хабар топган полковник Кобилинский норзилик билдирди ва мўъжазгина милтикчани бўлақларга бўлиб, уни факат хона ичида ўйнаш шарти билан Алексей Николаевичга кайтариб олиб келди.

Жума, 15 июн. Полиз ишларини тугатганимизга бир неча кун бўлди, полиз кулинг ўргилсин чиққан эди. Истаган сабзавотимиз ва беш юз бош карамимиз бор. Ҳз навбатида хизматкорлар богнинг нариги томонида полиз очишганди, у ерда улар ўзларига ёккан нарсани етиштирар эдилар. Шаханшоҳ билан биргаликда биз уларга ёрдам бергани бордик.

Бўш вақтимизни тўлдириш учун, богда ишларимизни тугатгач, биз богдаги қуриган дарахтларни қиркишга руҳсат сўраб олдик. Шу тарика биз бир жойдан бошқа жойга кўчиб юрар, биз билан бирга ўтириб-турадиган кўрикчилар сири изимиздан қолмасди. Биз ажабтовур ўрмончи чиқиб қолдик ва келаси йилги киш учун захирани жамлаб олдик. Жума, 22 июн. Қасалликдан кейин ҳазарати олияларнинг сочлари кўплаб тўкила бошлади, шундан сўнг уларнинг сочларини устарада тақир қилиб олиб ташлашди. Улар бокка чиққанларида бошларининг ҳе қбир жойи кўринмайдиган қилиб, шляпани бостириб қийиб олар эдилар.

Мен уларни сувратга олган вақтимда Ольга Николаевнанинг ишораси билан қизлар тезгина шляпаларини бошларидан олдилар. Мен, ундай қилманглар, дедим, бироқ улар ўзларининг бундай қиёфаларинию ота-оналарининг хайрат ва норозиликларини бир кўриб қўйиш ниятида эканликларини айтиб, сўзимга қирмадилар. Нима бўлганда ҳам улар вақти-вақти билан ҳазил қилишар, бу уларнинг дурқун ёшлигига жуда ярашиб турар эди.

Якшанба, 24 июн. Бир-биридан заррача фарқ қилмайдиган қунлар дарслар ва сайрларда ўтиб борарди. Бугун шаханшоҳ менга бир воқеани сўзлаб берди, у анча қулгили бўлиб, ҳибсдалигимиздаги бирхилликка ранг қиритгандай бўлди.

Кеча кечқурун шаханшоҳ қизил таноби уйда маликага ва маликаи олияларга овоз чиқариб қитоб ўқиб берди. Шу топ соат ўн бирда қош-қовоғи ослиб хизматкор қириб келди ва кўрикчилар қоманданти қудлик шаханшоҳга рўпара бўлажагини маълум қилди. Петроградда бирон воқеа содир бўлган деб ўйлаб — Муваққат ҳуқуматга қарши большевикларнинг қуролли кўзгалонлари қутилаётганди — шаханшоҳ қомандантни ичкарига қиритинг, деб буйруқ берди.

Икки унтер-зобит ҳамроҳлигида зобит қириб келди ва мени богдан туриб шох хонадони жойлашган хонада қиз ва яшил сигналларни кўрган қочқин қачқирди, деди. ҳамма хайрон. ганака сигналлар? Бу нимани англатади? Малика ва маликаи олиялари қаттиқ ҳаяжонга тушишди. Сўнг зобит нақасни бўғувчи жазирамага қарамасдан пардаларни қич ёпиб қўйишни буюрди-да, қичиб кетди. Шу аснода ҳамроҳ бўлиб қелган унтер-зобитлардан бири олдинга қичди ва бу қирни изохлашга тушди. Маликаи олия Анастасия Николаевна

дераза олдида иш тикиб ўтириб, у-бу нарсани олгани дам-бадам эгилар, шаханшоҳ олдида турган яшил ва кизил калпокли иккита чирокнинг гшоҳ унисини, гох бунисини гавдаси билан тўсиб қўймоқда эди. Бундан хафсаласи пир бўлган зобит у ердан кетди. Душанба, 2 июл. Тарнополь йўналишида хужум бошланганини ва у муваффақиятли ривожлана. тганидан дарак топдик.

Сешанба, 3 июл. Афтидан катта галабадан дарак берувчи муваффақиятл и харбий харакатларга багишлаб ибодат килдик. Шаханшоҳ кувнок кайфиятда Алексей Николаевичга окшом рўзномаларини олиб келади ва энг мухим хабарларни ўкиб беради. Пайшанба, 12 июл. Фронтдан кўнгилсиз хабарлар олинган. Бошида муваффақиятли бошланган хужум руслар учун фойдасиз томонга бурилган.

Якшанба, 15 июл. хибсимизда ҳеч қандай янгилик йўқ. Сайр бирдан-бир эрмагимиз бўлиб қолган. Жуда иссик паллалар бошланди ва мана, неча кундирки, Алексей Николаевич болалар оролчасини қуршаб олган қўлтиқда чўмилади. Бу унга олам-олам завк багишларди.

Чоршанба, 25 июл. Муваффақиятсизликлар доираси кенгайгандан кенгайиб борарди. Чекиниш эҳтимоли юзага келмоқда ва бу шаханшоҳга кучли таъсир кўрсатмоқда эди. Пайшанба, 9 август. Муваккат ҳукумат шох хонадонини кхчиришга қарор килганидан дарак топдим. гаерга бориш сир тутилмоқда эди. Барчамиз бу грим бўлади деган умиддамиз.

Шанба, 11 август. Бизга иссик кийимларингизни гамлаб олингиз, деб хабар қилишди. Бизни жанубга жўнатма. тгани кундай равшан эди. Тарвузимиз кўлтигимиздан тушди.

Якшанба, 12 август. (эски услубда 30 июл). Алексей Николаевичнинг тугилган куни (13 ёш). Маликанинг илтимоси билан зиёфат ўтказиш учун Знаменский черковидан Биби Марямнинг ажойиб сувратларини келтиришди. Эртага жўнаб кетишимиз керак. Полковник Кобилинский менга ўта махфий қилиб, бизни Тобольскка жўнатиша. тганини айтди.

Душанба, 13 август. Хабар беришларича, биз ярим тунда тайёр бўлишимиз керак экан. Поезд тунги бирда кўзгаларкан. Сўнгги тайёргарликлар. Болалар оролчаси, полиз ва хоказолар билан охирги марта хайрлашамиз. Соат бирга якин барчамиз юқлар гарам қилиб қўйилган ярим доира таноби уйга тўпланамиз. Бирок княз Михаил Керенский билан қириб келди ва жўнашдан олдин уксини яна кўрганидан гоят мамнун шаханшоҳ билан мулокотда бўлди.

Биз кетадиган поезд хали келмагна эди, афтидан, петроградлик темирўлчилар билан қандайдир англашилмовчлик содир бўлган, улар поезд шох хонадонига мўлжалланганини билиб қилишган бўлса керак. Бир соат вақтнинг ўтиши бир йилдан ҳам қийин бўлиб кетган эди. Жўнаб кета олармикинми? Шубҳа ичимизни тирнайди. (Бу воқеа ҳукуматнинг ожизлигини кўрсатарди.) Нихоят, соат бешларда бизга ҳамма нарса шай эканлигини хабар қилишади. Бизлар билан бирга кета олмайдиган хибсдошларимиз билан хайр-хўшлашамиз.

Кўплаб хотираларимиз билан боглик Царское Селони тарк этишни ўйласам, юрагим бир тутам бўлиб кетади ва қаерга боришимиз номаълум бўлган бу жўнашимиздан чуқур гамга ботмоқда эдик. Автомобиллар богдан чиқиши ҳамон бизни суворийлар дастаси қуршаб олди, у бизни кичик Александровский вокзалигача кузатиб қўйди. Бу ерда биз шинам вагонларга жойлашдик. Ярим соатдан кейин поезд аста кўзгалди. Соат ўн дақиқаси кам олти эди.

Тобольскдаги махбуслик вақтимиз (1917 йил август-декабр)

Шаханшоҳ хонадонини кўчиришга Министрлар Советини нима мажбур қилди? Бунга жавоб бериш қийин. Керенский жўнаш хақида эълон қилганида у бу жуда зарурий иш, Муваккат ҳукумат большевикларларга қарши зудлик билан чоралар кўришга қарор қилган, деди. Талотўп ва қуролли тўқнашувлар бошланиши керак бўлиб, бунда биринчи галда шох хонадони қурбон бўлиши мумкин экан.

Муваккат ҳукумат шох хонадонини воқеалардан холирок ва ҳавфсизроқ жойга яширишни ўзининг бурчи деб билибди. Бошқа томондан, буни армияда шаханшоҳ фойдасига бўлган ҳаракатдан ташвишланган партиялар олдида ожизлик деб баҳолаш мумкин, улар шохни Сибирга сургун қилишни талаб қилар эдилар. Нима бўлганда ҳам шох хонадонининг Царское Селодан Тобольскка кўчирилиши қулай шароитларда ва кўнгилсиз тасодифларсиз амалга оширилди. 14 август соат олтида жўнаб кетиб, биз Тобольск темир йўл станциясига энг яқин Тюменгача етиб бордик ва яна бир неча соатдан кейин “Русь” пароходига жойлашдик.

Эртасига биз Распутиннинг кадрдон кишлоги .нидан ўтдик ва пароход палубасида тўпланган шох оиласи қариянинг кулбалар орасида кўзга яққол ташланиб турган уйини кўришга муяссар бўлдик. Бу ҳол шох хонадонига унчалик таъсир қилмади, чунки буни Распутин олдин башорат қилганди. Вазиятнинг тасодифий мос келиши унинг пайгамбарона сўзларини яна бир қарра тасдиқлади.

19 август куни киём чоғида биз қутилмаганда дарёнинг муюлишларидан бирида Тоболск узра савлат тўкиб турган Кремлнинг қунгурадор кўланкасини кўрдик ва бирмунча вақтдан сўнг манзилга етиб бордик.

Биз жойлашишимиз керак бўлган уй ҳали тайёр қилиб қўйилмаган экан ва бир неча қунгача келган пароходимизда туришга мажбур бўлдик. 26 августдагина янги қароргоҳимизга жойлашдик.

Шох хонадони кенг-қовул ва серхашам губернатор уйининг бутун биринчи қаватини эгаллади. Аъёнлар кўчаннинг нариги томонида, деярли губернатор уйининг рўпарасида жойлашган, тобольсклик бой тижоратчи Корнилов уйини эгаллади.

гўрикчилар Царское Селодан биз билан бирга келган олдинги подшоҳлик ўкчи полқлари солдатларидан иборат эди. Улар меҳрибон инсон, ўзи кўз-қулок бўлиб турадиган шахсларга самимий хайрихоҳ полковник Кобилинский командасида турардилар.

Полковник кўл остидагиларнинг оғирини енгил қилиш учун ҳеч қучини аямасди. Аввалига хибсга келганимиздаги шароитлар худди Царское Селодагидек эди. Бизлар ҳеч нарсадан зорикмаётгандик. Фақат шаханшоҳ билан болалари жой танглигидан озор чекишаётганди. Бундоқ олиб қараганда, сайр учун уларнинг ихти.рида биргина полиз, кафтдеккина ҳовли бор эди, холос. У жануби-шарқий томондан турар-жой биносини айланиб ўтувчи кенг ва камқатнов кўчага олиб чиқадиган девор билан қуршаб олинганди. Бу қифоя қилмасди, албатта... Бундан ташқари мазкур полиз ва ҳовли солдатларга кафтдагидек кўриниб турарди. Уларнинг қазармаси бизга атаб қўйилган бутун ҳудуд устидан ҳукмронлик қиларди. Аксинча, шох ақориблари ва мулозимлар Царское

Селодагидан кўра бу ерда кўпроқ эркинликдан фойдаланишарди, ҳеч бўлмаганда дастлабки вақтларда шаҳарга ёки яқин-атрофдаги жойларга бемалол бориб-келиб туришарди.

Сентябрда Тобольскка Керенский юборган комиссар Панкратов келди. У билан бирга илгари Панкратовга кўшиб сургун килинган ёрдамчиси Никольский ҳам келди. Панкратов анча ўқимишли, юмшоқ табиатли, мурид-мутаассиб одам эди. У шаҳаншоҳда яхши таассурот қолдирган, кейин эса болажонлигини намоян қилганди. Никольский эса гирт тўнка эди, қилган ҳар бир иши одамнинг гашига тегмай қолмасди. Дун.қараши тор ва қайсар бу одам худонинг берган қуни бир қилик ўйлаб чиқарарди. Бу ерга келиши биланок полковник Кобилинскийдан бизларни сувратга олишни талаб қила бошлади. Бу гирт ортиқча даҳмаза, чунки ҳамма солдатлар бизни билади, деб Кобилинский Никольскийни ниятидан қайтармоқчи бўларди. Дарҳақиқат, булар бизни Царское Селода кўриклаган солдатлар эди. Бунга жавобан Никольский деди: “Бир вақтлар улар бизни шундай қилишга мажбур этар эдилар – энди навбат уларга”. Унинг айтганини қилишга тўғри келди ва шу аснодан бошлаб сувратли ва қайд рақами бўлган махбуслик варақчасига эга бўлди.

Ибодат аввалига уйда, биринчи каватнинг катта танобийсида бўлар эди. Благовешчание черкови раҳнамози ўзининг диақони ва тўрт роҳибаси билан ибодат қилганга келиб туришга руҳсат олишди. Бирок бу ерда меҳроб бўлмаганидан ибодат чала-ярим адо этиларди. Бу шох оиласи учун катта йўқотиш эди. Нихоят 21 сентябрда, Богородица Рождествоси байрами муносабати билан махбусларга биринчи марта черковга боришга руҳсат берилди, бундан уларнинг бошлари осмонга етди аммо бу хурсандчилик ҳар доим ҳам бўлавермасди. Шу кунларда жуда эрта турардик ва ҳамма ховлига тўплангач, мўъжазгина эшикчадан чиқардик-да, икки қатор саф тортган солдатлар орасидан юриб, жамоатчилик боғига ўтардик. Биз фақат эрталабки ибодатларда иштирок этардик, бир нечат шам гира-шира ёритиб турган бу черковда деярли биздан бошқа ҳеч ким бўлмасди, унга бошқа одамлар кириши қатъиян ман этилганди. Черковга бориш ёки қайтиш йўлида хазрати Олийлари ўтаётганда чўкиниб ёки тиз чўкиб турган одамларга тез-тез кўзим тушар эди. Умуман Тобольск аҳолиси шох хонадонига хайрихоҳликни йўқотмаган эди ва бизнинг кўриқчиларимиз уларнинг деразалар олдида тўхташларига ёки шох хонадони жойлашган уй олдидан ўтаётганда чўкинишларига йўл қўймаслик учун узлуксиз равишда чоралар қўриши керак бўларди.

Шундай қилиб, ҳаётимиз аста-секин изга тушиб бораверди ва кучимизни йигиб, биз шахзода ва икки маликаи олия машгулотларни давом эттиришга киришдик. Сабоклар эрталаб соат тўққизда бошланиб, ўн бирда, тушки сайр бошланишидан олдин тугарди. Сайрда шаҳаншоҳ ҳар доим иштирок этар эди. Синф хонаси йўқлигидан машгулотлар биринчи каватдаги катта танобий хонада – Алексей Николаевичнинг хонасида ёки менинг хонамда ўтарди. Соат бирда нонуштага тўпланардик. Бирок малика ўзини носоглом ҳис қилган пайтларда у нонуштани ҳам, тушликни ҳам Алексей Николаевич билан бирга қиларди. Соат иккиларга яқин биз яна чиқардик ва соат тўртгача сайр қилар .ки ўйнар эдик. Шаҳаншоҳ жисмоний машқлар камчилигидан каттик изтироб чекмоқда эди. У Кобилинскийга шу ҳақда шикоят қилганида, у қарагай гўлалари топиб келди, арра ва болталар сотиб олди ва биз ошхона ва печкаларга зарур бўладиган ўтин тайёрлашга киришиб кетдик. Бу Тобольскдаги тутқунлик пайтимизда очик хаводаги энг яхши эрмақларимиздан бири бўлиб қолди, маликаи олиялари ҳам бу янги спорт турига жон-жон деб бош қўшишди. Чойдан кейин машгулотлар қайтадан бошланар ва соат

олтида ниҳоясига етарди. Тушлик бир соат ўтгандан кейин бўлар, ундан сўнг эса қахвахўрлик қилгани юқориға, катта танобий хонаға чиқиб кетардик. Барчамизни шаханшоҳ хонадони билан бирға бўлишға тақлиф этишарди ва кўп ўтмай бу ҳол аксариятимиз учун одат тусига кириб қолди. Тутқунликдаги яқранглигимизни хилма-хил қилиш учун одат ўйинлар ўйнар ва янги-янги эрмақлар топишға ҳаракат қилар эдик. гаттик совуқлар бошланиши билан катта танобий хона хувиллаб қолди ва биз ҳазрати Олияларининг хос хоналари бўлиб хизмат қилувчи кўшни хонадан паноҳ топдик – бу ушбу бинодаги шинам жихозланган ягона хона эди. Шаханшоҳ кўпинча овоз чиқариб ўқир, бу пайтда маликаи олиялари иш тика.тган ё бизлар билан ўйнаётган бўлишарди. Малика одатдагидек генерал Татишчев билан бир-икки кўл карта ўйнарди ва кейин ўз навбатида юмушға тутинар ёки ўзининг қатига бориб чўзиларди. Манна шундай тинч муҳитда биз қишнинг узок ялдо кечаларини ўтказар эканмиз, бу бепо.н олис Сибир кўйнида ўзимизни қилғир ҳис этар эдик. Тобольскадаги тутқинлик вақтимизда биз йўқотган энг катта нарса — бу янгиликлардан мутлақо беҳабар қолаётганимиз эди. Хатлар бизгача ахён-ахёғнда ва жуда кеч қелиб етар эди. Журналларға қелсак, биз яроксиз маҳаллий варақа билан қаноатланишға мажбур бўлардик, у паст навли қогозда чоп этилиб, ичидаги гаплар бир неча қун аввалги, эски телеграммалардан иборат бўлар эди ва улар ҳам ўзгартирилиб, қисқартирилиб қосиларди. Бирок шаханшоҳ Россияда қосир бўла.тган воқеаларни қадомат билан қузатиб қорарди. У мамлақатнинг ҳалокат қари қета.тганини тушуниб турарди. Генерал Қорнилов большевикларнинг тобора таҳдиликроқ бўлиб қораетган ташқикотиға барҳам қериш учун Қеренскийға Петроградни қосиб олишни тақлиф қилганда унинг қилида умид учқуни йилт этганди. Муваққат ҳуқумат қон қаклашнинг бу сўнги имқониятини қад этганида шаханшоҳ қайқусининг қеки бўлқадди. Бу, унинг қилишича, ҳавф қосиб қела.тган ҳалокатдан қутулишнинг ягона қоситаси эди, ҳар қалай. Хшанда шаханшоҳнинг тахтдан қоз қеқиб қакки қилган эканман қея ёзқурганини қиринчи марта эшитқим. У бир нарсаға умид қилиб шундай қарорға қелганди, яъни унинг қадидан ҳатто қитта руснинг қони тўқилишини истамаганди. Энди тахтдан қоз қеқиши ҳеқ қандай наф қермаганини ва факат ватанининг иқболини нақарда тутган бўлса-да, ҳақикатда эса тахтдан қетиши билан унға қарар етқазганидан шаханшоҳ қаттик изтироб қекмоқда эди. Бу фикр уни кўпинча таъқиб қилган бўлиши ва кейинқалиқ зўр рухий изтироблар қеқишиға сабаб бўлган бўлиши қерак. Ноябрьнинг ўрталарида Муваққат ҳуқуматнинг ақдарилганини ва большевиклар ҳоқимиятни қўлға олганини қилдик. Бу ҳол ҳаетимизда беқосита ўз ақсини топқадди ва бир неча ой ўтгандан кейингина биз билан шугулланаётганининг қувохи бўлдик. ҳафталар ўтаверди, бизгача етиб қела.тган янқилқлар эса тобора ҳунуқлашиб қорарди. Нима бўлганда ҳам воқеаларни қузатиш ва улар аҳамиятини аниқлаш қоят мушқул эди, қунки биздаги маълумотлар на воқеалар сабақини тушунишға, на улар оқибатини аниқлашға имқон қерарди. Бугун ташқи оламдан шу қадар узок ва шу қадар узилиб қолган эдикки, қўяверинг! Қорди-ю, Россияда ниқалар бўлаётганини қилиш имқониятини топганимизда ҳам, аммо Европа қорасида биз ҳеқ ниқа қилмас эдик. Бу орада большевиклар доқтриналари бизни қўриқлаётган ва шу пайтқача қайта ташқил этишға анча яқши қаршилиқ қўрсатиб қелган отрядда қайта ташқиллаштириш ишларини бошлаб юборганди. У турли унсурлардан иборат эди: 1- ва 4-қолк солдатларининг кўпқилиги шох хонадони, айниқса болаларға жуда ҳайриқоҳ эди. Маликаи олифлари ҳудди ўзлари қабди ўзини ўтмиш билан боқликқдай ҳис қилиб юрган бу одамларға

мафтункор соддалик билан мурожаат килар эдилар. Улар солдатларнинг оилалари, кишлоклари ёки уруш вақтида иштирок этган жанглар хақида сўраб-суриштиришар эдилар. Улар учун “валиахд” бўлиб колган Алексей Николаевич ҳам уларнинг хайрихоҳлигидан фойдаланиб коларди ва солдатлар ҳам унинг кўнглини олишга ҳаракат килар эдилар. 4-полкдан келган кўрикчиларнинг нукул ёши катталрадан иборат бир кисми, айникса шох хонадонига айрича меҳр кўрсатар эди ва бу оккўнигл кишиларни коровулликда кўриб, бутун оила аъзолари яйраб кетишарди. Шу кунларда шаханшоҳ ва болалар коровулхонага билдирмай бориб-келиб туришар ва солдатлар билан гурунглашар ёки турли ўйинлар ўйнашарди. Солдатлардан биронтаси куюшкондан зигирча чикмас эди. Бир куни улар комиссар Панкратовнинг остонада тўхтаб кўзойнаги ортидан кутилмаган холни томоша килиб турганидан роса хайратда колишди. Унинг хўмрайганини кўриб, шаханшоҳ унга ичкарига кириб, столга ўтиришга ишора килди. Бирок ўзини жуда нокулай сезган комиссар нималарнидир гудранди-да, товонларида ўгирилиб чикиб кетди — у бу холдан бутунлай ўзини йўкотиб кўйганди.

Юкорида эслатиб ўтганимдек, Панкратов мурид, инсонпарварлик тамойиллари конига сингиб кетган одам эди. У аҳмок одам эмасди. Тобольскка келган кунидан бери у солдатларга сабоқ берар, уларни либерал гоёлар билан таништирар ва уларда ватанпарварлик ва фукаролик бурчи туйгуларини ривожлантиришга ҳаракат киларди. Аммо унинг барча саъй-ҳаракатлари кейин унинг ўзига карши бўлиб колди.

Большевикларга тиш-тирноги билан карши турган бу одам шунга замин яратиб берди ва нари-берисини ўйлаб ўтирмай уларнинг тегирмонига сув куйди. Бу гоёларнинг курбонига айланиши керак бўлганини хали куйирокда кўриб ўтамыз.

2-полк солдатлари дастлабки одимларданок ўзларининг инкилобий мойилликларини намоён этдилар ва Царское Селодаёк улар махбусларни кўп кийнаб кўйдилар.

Большевикча давлат тўнтариши уларнинг ўзбошимчалик ва сурбетлигини кучайтириб юборди, холос. Улар “солдат кўмитаси” тузишга муваффақ бўлдилар, кўмита бизнинг кун тартибимизга янги чекловлар киритишга ва ўз обрўларини полковник Кобилинский обрўси билан алмаштиришга уриндилар. Бизда уларнинг бемаъниликларини тасдикловчи далиллар йўқ эмас эди, масалан, баронесса Буксгевден (декабр охириди) келганидаги воқеани олайлик. Хоним биз билан бирга Царское Селода хибсда эди, аммо соглиги монлигидан биз билан бирга жўнаёлмаганди. Касали тузалиши хамонок у маликанинг ёнида бўлиши учун Керенский рухсати билан Тобольскка етиб келди. Солдатлар кўмитаси унинг шох хонадони жойлашган уйга киришини кескин рад этди. Хонимнинг келишини сабрсизлик билан кутаётган шох хонадони учун бу жуда катта зарба бўлди.

Нихоят узок кутилган Рождество ҳам етиб келди. Маликаи олиялар ва малика неча хафтадан бери ишлаб ўз кўллари билан бизлар учун ҳам, барча хизматкорлар учун ҳам совгалар тайёрлашганди. Малика ўзи тўкиган бир нечат юнг фуфайкани улашиб чикди ва унга содик бўлиб колган одамларга ўз миннатдорчилигини ана шу тарика ифода этмокчи бўлди.

24 декабр кун кечки ибодатни адо этиш учун уйимизга рухоний келди. хаммамиз катта танобий хонага тўпландик. Бизга аталган совгалар келтирилганда болалар қандай кувонганини бир кўрсангиз эди! Гўё барчамиз бу катта оиланинг тугишган аъзоларидекмиз. хеч нарсани ўйламай, соф дўстлик, калбларнинг ягоналиги дакикаларидан бахраманд бўлиш учун вақтинчалик гам-кайгуларни унутишга тиришардик.

Эртасига Рождество байрами — бизлар черковга йўл оламиз. Рухоний Рухоний ишораси билан диакон умрбокийлик (шаханшоҳ хукмронлиги кунларини узайтириш хақидаги дуо)ни ўқиди. Бу рухоний томонидан оқилона иш бўлмади ва орқасидан катагон катагон келтириб чиқариши ҳеч гап эмасди. Солдатлар ўлдирамиз деган дўк-пўписалар билан рухонийни алмаштиришни талаб этдилар. Бу воқеа ушбу кун хақида сакланиб қолиши керак бўлган ёрқин таассуротларни маъюслаштириб қўйди. Маросим янги тазйиклар қилиниши билан нихоясига етди ва устимиздан ўрнатилган назорат янада кескинрок тус олди.

Тобольскдаги махбуслигимиз нихояси (1918 йил январ-май)

14 январдан бошлаб яна кундалик тутишга киришдим, уни Тобольскка қўчиб кетаётганимизда тўхтатиб қўйгандим ва Царское Селодаги туткунлигимизни тасвирлаганимизда қилганимдек, бундан айрим иқтибосларни келтираман.

Душанба, 14 январ (эски ҳисобда 1-январ). Бугун эрталаб биз черковга бордик, бу ерда янги рухоний бўлиб, бу чероквда биринчи марта имомлик қилмоқда экан. Рухоний Василий отага келсак (олдинги бобда эслатиб ўтганимиз воқеа айбдори), у Гериоген архиепископи фармойиши билан Абалатск монатирига жўнатиб юборилган эди.

Чоршанба, 16 январ. Тушлиқдан кейин соат иккида гарнизонимиз солдатлар қўмитасига йигилди. қўмита юзтага саксон бешта қарши овоз билан зобит ва солдатларнинг погон тақиб юриши бекор қилиниши керак деган қарорга келди.

Пайшанба, 17 январ. Полковник Кобилинский бугун фуқаро либосида келди, чунки у погонсиз зобитлар либоси қийишни рад этганди.

Жума, 18 январ. Соат учда рухоний ва қўшиқчилар келишди. қўшиқ айтгани олдиндан келган тўрт роҳиба Тобольскдаги черковлардан бири хорининг қўшиқчилари билан алмаштирилган эди. Бугун табаррук сув сепувчилар ва янги рухоний биринчи марта уйимизда ибодат қилишди. Ҳз навбатиде Алексей Николаевч рухоний тутиб турган хочни тавоф қилгани яқин борганида рухоний унга томон энгашади-да, манглайдан ўпди. Ибодатдан сўнг генерал Татишчев ва княз Долгорукий шаханшоҳга яқин боришди-да, солдатларнинг сурбетларча қўполликларидан қочиш учун погонларини олиб қўйишни илтимос қилишди. Турган гапки, бу шаханшоҳнинг иззат-нафсига теғди, бироқ малика билан қўз уриштириб, қиска сўзлашувдан сўнг у ўзини қўлга олади ва ўз одамлари тинчини ўйлаб, погонларини олиб ташлашга рози бўлади.

Шанба, 19 январ. Бугун эрталаб биз черковга йўл олдик. Шаханшоҳ эғнига ҳар доим погонсиз қийиладиган қавқаз черкесқасини илди. Алексей Николаевичга келсак, у погонларини тумок тағига яшириб олди. Бугун малика менга, сабоқлардан толиқмаган пайтимизда шаханшоҳ ва мен сизни кечки чойга тақлиф қиламиз, деди.

Чойхўрлик тугагач маликаи олиялари ўз хоналарига йўл олганларидан кейингина у ердан кетдим. (Алексей Николаевич одатда соат тўққизда ётарди.)

Душанба, 21 январ. Бугун тунда қалин қор ёғди. Биз қор тоғи ясашга киришиб кетдик.

Жума, 25 январ (эски ҳисобда 12 январ). Фаришта Татьяна Николаевна қуни. Уйда

ибодат киламиз. Ажойиб киш куни, ку.ш чараклаган, ўн беш даража совук. Олдинги кунлар каби кор тогини кўтаришда давом этамиз. Солдатлар бизга ёрдам бергани келишди.

Чоршанба, 30 январ. Бугун коровулликка 4-полкнинг яхши солдатлари кўйилган. Шаханшоҳ ва болалари коровулхонада солдатлар билан бир неча соат бирга бўлишди. Шанба, 2 феврал. Йигирма уч даража совук. Княз Долгорукий ва мен бугун кор тогига сув куйдик. Биз ўттиз челак сув олиб келдик. хаво шу қадар совук эдики, сувни жўмракдан тоққа олиб келгунимизча музлаб коларди. Челакларимиз ва кор тогидан бўғ кўтариларди. Эртадан болалар муз тогидан сирпанишса бўлаверади.

Душанба, 4 феврал. Айтишларича, бугун тунда термометр ўттиз даражадан ҳам тушиб кетибди. гаттик шамол турди. Маликаи олияларнинг ётоқхонаси чинакам музхонага айланганди.

Чоршанба, 6 феврал. Маълум бўлишича, 2-полк ташаббуси билан солдатлар комиссар Панкратов ва ёрдамчиси Никольскийни ўз постларидан кетишсин деган қарорга келишибди.

Жума, 8 феврал. Солдатлар кўмитаси бугун тушлиқдан кейин Панкратовнинг ўрнига Москвадан чакириладиган большевик комиссарни тайинлашга қарор қилибди. Ишлар борган сари пачавалашмоқда эди. Совет россяси бир томондан ва Германия, Австрия ва Болгария билан иккинчи томондан урушни тўхтатиш ҳақидаги ҳолат аниқланмоқда эди. Армия таркатиб юборилган, аммо Ленин ва Троцкий хали сулҳга имзо чекмаган эди.

Чоршанба 13 феврал. Шаханшоҳнинг менга айтишича, армия таркатиб юборилиши оқибатида кўплаб катта ёшдагилар уйларига кўйиб юборилган. Барча кекса солдатлар (энг яхшилари) бизни тарк этишлари керак экан. Ишнинг бундай тус олишидан шаханшоҳнинг авзойи гоят тундлашиб кетганди, чунки хокимият алмашинуви биз учун кўнгулсиз оқибатлар келтириши мумкин эди.

Жума, 15 феврал. Солдатларнинг анчаси кетиб бўлганди. Улар шаханшоҳ ва унинг хонадони билан хайрлашгани келар эдилар.

ҳазрати Олийлари ҳузуридаги чойхўрлик чогида вазият такозо этган даражада шох хонадони ҳаёти нечоғли ахил-иноклиги, бу ҳаёт шаханшоҳни малика ва болалари билан нечоғли жипслаштириб кўйгани хусусида ўх хайратини яширолмаган генерал Татишчев оккўнгуллик билан эътироф этаркан, шаханшоҳ жилмайганча маликага қараб кўйди ва деди: “Татишчевнинг гапларини эшитдингми?” Сўнг одатдаги самимият билан, аммо билинар-билинемас кинояли оҳангда кўшиб кўйди. ёАгар менинг собик генерал-адъютантим бўлатуриб сиз, Татишчев, бизни шунчалик ёмон билан экансиз, малика билан мен газеталарда биз ҳакимизда ёзилган нарсалардан ҳафа бўлмасак ҳам бўлар экан”.

Чоршанба, 20 феврал. Шаханшоҳнинг менга айтишича, германлар Равелни, Ровнони, шунингдек, бошка жойларни эгаллабди ва улар бутун фронт бўйлаб ҳужумни давом эттирмоқдалар. Унинг бундан каттик қайгуг тушгани кўриниб турарди.

Душанба, 25 феврал. Полковник Кобилинский телеграмма олди. 1 мартдан бошлаб Николай Романов оиласи билан солдат паёғига кўйилмоқлари керак экан ва шох хонадонининг ҳар бир аъзосига ҳар ойда унинг шахсий бисоти фоизларидан 600 рубл чегириб бериладиган бўлибди. Ша вақтгача барча харажатларни давлат тўларди. Шундай қилиб, бутун хонадон ойига 4200 рублга яшаши керак бўларди, чунки шох хонадони етти кишидан иборат эди. Айни вақтда бир рубл ўзининг нақд нархининг

бешдан бир қисми кийматини ташкил этарди.

Сешанба, 26 феврал. хазрати Олиялари мёндан ўзига бутун хонадон бюджетини аниқлаш учун ҳисоб-китоб беришни илтимос қилдилар. Унинг бисотида илғари унга пардоз-андоз учун берилган пуллардан тежаб қолинган бироз маблаг қолган эди.

Чоршанба, 27 феврал. Шаханшоҳ бизга киноя билан энди ҳаммасини хайъат йўлга қўядиган бўлгач, ишни ётоқхонагача олиб боирш учун мен ҳам бир ўзим ишни йўлга қўяман, деди. хайъат таркибига княз Долгорукий, генерал Татищев ва мен кирар эканман. Тушлиқдан кейин “йигилиш” ўтказамиз ва .тоқхонамиз шахсий таркибини қискартиришимиз керак, деган хулосага келамиз. ҳаммамиз маънос тортамиз, чунки 10 нафар хизматқоримизни бўшатишимизга тўғри келарди-да. Уларнинг кўпчилиги Тобольскда ўз оилалари билан туришарди. Бу янгилик маликаи олияларига хавола этилаётганда уларнинг нечоғли қайғуга ботганини кўрамиз – хизматқорлар билан батамом хайрлашишга тўғри келарди, чунки уларнинг ихлоси бахтсиз воқеагача олиб бориши мумкин эди-да.

Жума, 1 март. Янги тартиб қучга қиради. Бугундан бошлаб сарийғ ва қахва дабдаба нишони сифатида дастурхонимиздан олиб ташланди.

Душанба, 4 март. Солдатлар кўмитаси бизлар ясаган муз тоғни бузиб ташлашга қарор қилди (бу болаларнинг қатта эрмағи эди), чунки шаханшоҳ билан малика 4-полк солдатларининг жўнатилишини ўша ердан туриб қузатиш учун муз тоққа чиқишган экан. ҳам аъёнларга нисбатан, ҳам шох хонадонига нисбатан янғидан янги тазйик ва чекловлар ҳар қуни содир бўлиб турарди. Аллақачондан бери биз солдатлар ҳамроҳлигидагина чиқадиган бўлиб қолган эдик. Афтидан бизнинг бу охири эркинлигимизни ҳам йўққа чиқаришадиган кўринади.

Сешанба, 5 март. Солдатлар бизниқига қечқурун қелишди, худди ёвузлардек (қилаётган ишлари бемаънилик эканини ўзлари билиб туришарди) қўқич билан қўпориб буза бошладилар. Болалар қазабининг чеқи йўқ эди.

Жума, 15 март. Бизнинг аҳволимиздан ҳабардор шаҳар ақолиси турли йўллар билан бизга тухумлар, қонфетлар ва пишириклар етқазиб турар эдилар.

Яқшанба, 17 март. Масленица яқшанбалиги. Бутун халқ яйрамоқда. Деразамиз тағидан қанғи аравақалар у ёқдан-бу ёққа тинмай ўтар, қўнғироққалар, шақилдоқлар, гармонлар овози ва қўшиқлар қулоққа қалинарди. Болалар қувнаб яйра.тган бу одамларга қомуш тикилиб турар эдилар. Бирмунча вақтдан кейин улар зерика бошлашди, тутқунлиқда яшаш уларни эзиб ташламоқда эди. Чор атрофи яқлит девор билан ўралган қовлида айланиб юришарди. Муз тоғ бузиб ташлангандан бу.н уларнинг яғона эрмағи – ўтин аралаш ва ёриш эди.

Солдатларнинг сурбетлиғи ҳаддан ошиб борарди. Қетган солдатлар ўрнига ақлоқи бузук йигитларни қўйишди. қайғуси қундан-қун ортиб бораётганига қарамай, хазрати Олийлари ўзига содиқ одамлар иқидан уларни қутқаришга ҳаракат қилувчилар топилиб қолишга қамон умид боғлар эди. қочиш учун хали ҳеч қачон бунқалиқ қулай пайт учрамағанди, чунки Тобольскда хали большевиклар ҳуқумати вақиллари йўқ эди. Олдиндан бизнинг фойдамизни қўзлайдиган полковник Қобилинский ҳамқорлиғида сурбет ва шу билан бир вақтда шарти қетиб, парти қолган қўриқчиларимизни алдаш анча осон иш эди. Ташқаридан туриб мунтазам ва қатъият билан ҳаракат қиладиган бир неқта қайратқа одам бўлса, олам қулистон эди. Биз ҳар қандай тасодифга тай.р бўлиб туринг деб шаханшоҳни оғоҳлантирар эдик. Шаханшоҳ ишни қийинлаштирадиган иққи шартни олдимизга қўйди: у шох хонадонининг тарқаб қетишини зинқор истамайди ва Россия

империяси худудини икки дунёда ташлаб чикиб кетмайди. Бу хусусда малика бир куни менга шундай деди: “Ёруғ оламда кўрар кўзим Россия – уни ташлаб кетмайман, чунки менга шундай туюладики, агар чет элга кетишимиз керак бўлса, бу бизни ўтмиш билан боғлаб турган сўнгги ришта узилиши ва ўтмишимиз йўқлик қаърига махв бўлиши билан баравардир”.

Душанба, 18 март. Шох хонадони, одатдагидек, Муборак рўзанинг биринчи хафтасида ифторлик килмокда. Ибодатлар эрталаб ва кечкурун адо этиларди. Малика ва маликаи олиялар дйакон билан биргаликда хониш киладилар, чунки гўяндалар хаддан ташқари банд бўлиб, кела олмасдилар.

Сешанба, 19 март. Нонуштадан кейин яқиндагина имзоланган Брест-Литва шартномаси борасида сўз кетди. Шаханшоҳ бу масала бўйича чуқур кайгу билан шундай деди: “Бу Россия учун ўта шармандалиқдир, бу ўз жонига касд килган билан баравардир. Шаханшоҳ Вильгельм ва Герман ҳукумати ўз ватанини сотган бу бадбахтлар кўлини сиқиш даражасида паст кетадилар деб сира ўйламагандим. Аммо ишонаманки, бу уларга яхшилик келтирмайди ва уларни халокатдан саклаб қолмайди”.

Бир оз муддат ўтгач, княз Долгорукий айтдики, журналларда гўё германлар шох хонадонини тирик ва соғ-саломат холда уларга беришни талаб килмокдалар деган гапларни ёзишган эмиш. Бунга шаханшоҳ шундай деди: “Агар бу менинг обрўйимни тўқиш учун ўйлаб чиқарилган найранг бўлмаса, мен буни ўзим учун аламли ҳақорат деб биламан”, Малимка махзун овозда деди: ёШаханшоҳга панд бергандан кейин мен немисларни шундай ёмон кўриб қолдимки, улар ёрдамида кутулиб чиққандан кўра Россияда ўлиб кетишни афзал биламан”.

Жума, 22 март. Кечки ибодат тугаши билан соат тўққиз яримда ҳамма Исо Масих суврат олдида чўқинди: болалар, хизматчилар, аъёнлар ва ниҳоят хазрати Олий ва Олиялари.

Шанба, 23 март. Бугун эрталаб соат етти яримда биз гутлуг Сирлар ибодатини адо этиш учун черковга йўл олдик.

Сешанба, 26 март. Омскдан юздан ортик кизиллар гуруҳи етиб келди. Бу Тобольскда гарнизонни эгаллаб турган дастлабки максималист (большевик) солдатлар эди. гочиш имкониятига бўлган сўнгги умидимиз ҳам йўққа чикди. Шундай бўлса-да, малика менга, бу одамлар ичида оддий солдат лавозимида кўплаб зобитлар борлигига аминман, деди ва қаердан билишини айтмасдан Тюменга уч юз зобит тўпланган, деди.

Сешанба, 9 апрел. Омскдан харбий гуруҳ билан келган большевик комиссар, мени шох хонадони турган уйга кўйинглар, деб талаб килди. Бизнинг кўрикчи солдатларимиз рад этишди. Полковник Кобилинский тўқнашув келиб чиқишидан кўркиб, жуда ташвишга тушди. Эҳтиёткорлик чоралари кўрилди, сокчи ва патруллар икки баравар кўпайтирилди. Биз тунни каттик безовталиқда ўтказамиз.

Чоршанба, 10 апрел. гўрикчиларимизнинг большевик комиссар ўз ваколатини кўрсатган катта йигилиши... Ваколатга кўра, у фармойишига қарши кўрсатганларни суд-пудсиз 24 соат ичида отиб ташлаш ҳуқуқига эга эди.

Жума, 12 апрел. Алексей Николаевич ўринга ётди, чунки кечадан бери каттик зўрикканидан бутида ёмон оғрик хис килмокда эди. гишда у ўзини қандай яхши сезмоқда эди-я! Ишкилиб бир нима бўлиб қолмасин-да.

гўрикчиларимиздан Москвага хизмат сафарига юборилган солдат бугун қайтиб келди ва полковник Кобилинскийга Большевиклар Марказий ижроия кўмитасининг қозонини топширди, унга кўра бизга нисбатан янада кескинрок тартиб қўлланишига кўрсатма берилганди. Генерал Татищев, княз Долгорукий ва графиня Гендрикова бизнинг

хонамизга жойлаштирилишлари ва махбуслар каторида сақланишлари керак эди.

Шунингдек, махсус ваколатлари билан бир комиссарнинг келиши хақида ҳам хабар бор эди, у ўзи билан бир харбий гуруҳ олиб келар экан. М-Ие Шнейдер, генерал Татищев, княз Долгорукий ва жаноб Гиббс бизни кига кўчиб ўтишди. Фкат докторлар Боткин ва Деревенколаргина эркинликда колдирилган эдилар. Алексей Николаевичнинг дарди кечадан бери анча кучайганди.

Душанба, 15 апрел. Алексей Николаевич кеча ва бугун каттик дард чекди. Бу гемофлиянинг кескин хуружларидан бири эди.

Сешанба, 16 апрел. Полковник Кобилинский, кўрикчиларимиз зобити ва бир неча солдат учимизни тинтув килгани келишди. Шаханшохдан унинг харбийча казак либоси билан такиб юрадиган ханжарини олиб кўйишди.

Душанба, 22 апрел. Яковлев фамилияли москвалик комиссар унча катта бўлмаган харбий гуруҳ билан бугун етиб келди. У комендантга ва солдатлар кўмитасига хужжатларини кўрсатди. Кечкурун мен хазрати Олийлари хузурида чой ичдим. ҳамма безовта ва гамгин эди, комиссарнинг етиб келишидан мубхам, аммо чинакам дахшат хис килмокда эди.

Сешанба, 23 апрел. Соат ўн бирда комиссар Яковлев келади. У бутун уйни айланиб чикади, сўнг шаханшохга якин боради ва у билан бирга ўринда .тган Алексей Николаевичнинг олдига боради. хали тайёр бўлмаган маликани кўриш имкони бўлмаганидан у яна бироздан сўнг ёрдамчиси билан кайтиб келади ва Алексей Николаевични яна бир карра бориб кўради. (У ёрдамчиси оркали яна боланинг касалини ҳам аникламокчи эди). Кетатуриб комиссар комендантдан, юкларимиз кўпми, бизнинг кетишимиз борасида ўйлаб кўрдингми, деб сўрайди.

Чоршанба, 24 апрел. Биз барчамиз каттик кайгудамиз ва бутун дун. Бизни унутгандай, ўз-ўзимизни бир шу одамнинг мурувватига топшириб кўйгандек хис этмокда эдик. Шох хонадонини куткариб қолишга хеч ким тарикча бўлса ҳам харакат килма.тганмикин?

Пайшанба, 25 апрел. Соат учдан сал олдин, йўлакдан ўтиб кетаётганимда хўнграб йиглаётган икки хизматкорга кўзим тушди. Улар менга, комиссар Яковлев императорга уни олиб кетгани келганини айтибди, дейишди. Нималар бўляпти ўзи? То чакирмагунларича мен иккинчи каватга кўтарилишга журъат этолмайман ва ўз хонамга кетаман. Бироздан сўнг Татъяна Николаевна эшигимни чертади. У йигларди ва хазрати Олиялари сизни сўраяптилар, деди. Мен унинг ортидан эргашаман. Малика ёлгиз ва жуда хаяжонда эди. У Яковлев Москвадан шаханшохни олиб кетгани келганини, бугун тунда жўнаб кетишини айтди.

Комиссар: “Шаханшохга хеч кандай ёмонлик килишмайди ва борди-ю кимдир унга хамрохлик килмокчи бўлса, бунга ҳам монелик йўк”, деб ишонтиради.

Мен шаханшохни ёлгиз кўйиб юборолмайман. Уни оиласидан жудо килмокчи бўлишяпти, унда... уни биронта бўлмагур ишга кўл уришга ундаб, кариндош-уруглари хаёти учун ташвиш тортишга мажбур килмокчилар. Шаханшох уларга зарур ва улар унинг бир ўзи Россия вакили хисобланади... гаршилик кўрсатиш учун биз икковимиз кучлирок бўламиз, бу синовда мен унинг ёнида бўлишим жуда зарур... Лекин ўғлимиз хали бетоб... Борди-ю, касал зўрайиб кетса... Э худо, бу кандай кўргулик... Умримда хеч бундай холга тушмаганман, нима килишимни ҳам билмайман. хар доим хар кандай холатда ҳам кандай карорга келишим керак бўлганда ўзимни бардам хис этар эдим, аммо хозир ўликдан фарким колмаган... Аммо Худойим унниг жўнаб кетишига йўл кўймас, у жўнаб кетолмайд ва жўнаб кетиши мумкин эмас. Бугун тунда дарёда муз кўчкилари бошланишига

ишонаман...”

Татьяна Николаевна шу аснода гапга аралашди: “Лекин, ойижон, борди-ю, дадам барибир кетадиган бўлиб колсалар, бир нима килмасак бўлмас...”

Шунда мен Татьяна Николаевнани кўллаб, лаексей Николаеви ўзини яхши хис кияпти ва биз унга яхшироқ карай бошлаймиз, дедим. хазрати Олиялари бекарорликдан кийнала.тгани шундок кўриниб турарди, у хонада у ёкдан-бу ёкка юрар, тинмай сўзланар, биздан кўра кўпроқ ўзига-ўзи гапирар эди. Охири у менга якин келди-да, шундай деди: “ха, шундай килсак яхши бўлади, мен шаханшоҳ билан жўнайман, Алексейни сизга ишониб топшираман...”

Бир дакика ўтиб, шаханшоҳ кириб келади. Малика унга томон талпиниб, дейди: “Келишдик, мен сиз билан кетадиган бўлдим, Мария ҳам биз билан кетадиган бўлди”.

Шаханшоҳ: “Агар сен шуни истасанг, розиман!”, дейди.

Мен яна ўз хонамга кайтиб тушдим, бутун кун тараддуд кўриш билан ўтди. Княз Долгорукий ва доктор Боткин Чемадунов (шаханшоҳнинг камердинери), Анна Демидова (маликанинг оксочи) ва Седнев (маликаи олияларнинг кароли) билан бир каторда хазрати Олийга хамрохлик киладилар. гўрикчиларимиздан етти зобит ва солдатлар улар билан бирга кетишга қарор килинди. Шох хонадони тушлиқдан кейинги вақтни Алексей Николаевич қаровати олдида ўтказди. Кечкурун соат ўн яримда биз чой ичгани йўл оламиз. Иккала кизини .нига олиб, малика диванда ўлтирибди. Азбаройи кўп йиглаганидан барчаларининг юзлари шишиб кетган. ҳар биримиз изтиробимизни яширамиз ва хотиржам кўринишга ҳаракат киламиз. Агар ичимиздан биронтамиз ўзимизни тутолмасак, бу бошқаларга ҳам ўтишини чуқур хис этамиз. Шаханшоҳ ва малика ўта жиддий ва босик эдилар. Борди-ю, Худойим ўзининг тасодифларига тўлиб-тошган йўлларида мамлакатни кутқариш учун талаб этиладиган бўлса, улар жонини қурбон қилишга ҳам тайёр эканликлари яққол кўриниб турарди. ҳеч қачон бу йўллар бизга ортикча эзгулик ва гамхўрлик кўрсатган эмас. Улардаги чўнг хотиржамлик ва бу хайратомуз ишонч бизга ҳам юккан эди.

Соат ўн бир яримда хизматкорлар хазрати Олийлари ва Мария Николаевна биз билан хайрлашаётган катта таноби хонага тўпланишади. Шаханшоҳ барча эркақларни, малика эса барча аёлларни бир-бир ўпиб чиқадилар. Деярли ҳамма йигларди. хазрати Олийлари ва хазрати Олиялари кетадилар ва биз менинг хонамга тушамиз.

Соат уч яримда аравалар ховлига кириб келади – булар бахайбат тарантаслар бўлиб, фақат биттасининг томи очиб-ёпиладиган эди. Орқа ховлидан бироз похол келтирамиз ва уни аравалар тагига тўшаймиз, малика учун мўлжалланган тарантасга тўшак ёямиз. Соат тўртда хазрати Олийлари ва хазрати Олиялари хузурига кўтариламиз, бу пайтда улар Алексей Николаевичнинг хонасидан чиқиб кетишаётган экан. Шаханшоҳ, малика ва Мария Николаевна биз билан хайрлашадилар. Малика ва маликаи олиялар йиглашарди. Шаханшоҳ хотиржам кўринарди ва ҳар биримизга далда сўзлари айтиб, бизларни ўпар эди. Мен билан хайрлашаётиб, малика мени пастга тушишимни ва Алексей Николаевич хузурида қолишимни илтимос килади, шундай сўнг мен тўшакда йиглаб ётган шахзода хузурига қираман. Бир неча дакикадан сўнг жўнаб кетаётган аравалар шовқини қулогимизга чалинади. Маликаи олиялар ўз хоналарига кўтарилишар экан, ақалар ётган хона олдидан хўнграб йиглаб ўтадилар.

Шанба, 27 апрел. Маликани биринчи станциягача олиб борган кучер Мария Николаевнадан хат келтиради, унда хабар қилинишича, йўллар ўйдим-чуқур бўлиб, саёҳат хаддан ташқари оғир кечибди. Бу саёҳатга малика бардош бера олармикан? Улар

учун канчалик ташвиш тортганимизни айтиш кийин!

Якшанба, 28 апрел. Полковник Кобилинский телеграмма олди, унда айтилишича барчалари шанба куни кечкурун соат тўққиз яримда Тюменга сог-саломат етиб боришибди. Катта таноби уй – “хонаки черков”га жойлашишибди, бу ерда рухоний тушлик ибодатини адо этар экан, чунки бу ерда меҳроб бор экан.

Кечкурун Тюмендан жўнаб кетишгандан кейин жўнатилган иккинчи телеграмма олинади. “Ажойиб шароитларда йўл юрмокдамиз. Кичкинанинг ахволи кандай? Худо сизларга ёр бўлсин”.

Душанба, 29 апрел. Болалар Тюмендан маликадан хат олишди, у сафар жуда огир кечганини хабар қилибди. Кечувларда сув отларнинг кўкрагидан келибди. гилдираклар тез-тез бузилиб турибди.

Чоршанба, 1 май. Алексей Николаевич турди ва Нагорний уни кўчма ўриндикка ўтказиб кўйди, энди у офтобшувокда айланиб юра оларди.

Пайшанба, 2 май. Тюмендан чикиб кетишгандан бери улардан на хат, на хабар бор. гаерда экан улар? Улар аллақачон Москвага етиб олган бўлишлари керак эди-ку!

Жума, 3 май. Полковник Кобилинский телеграмма олди, унда мусофирлар Екатеринбургда ушланиб қолишгани айтилганди. Нима бўлди экан?

Шанба, 4 май. Пасханинг кайгули арафаси. Вужудни эзилиш туйғуси чуллаган.

Якшанба, 5 май. Пасха. ҳеч кандай хат ё хабар йўқ.

Сешанба, 7 май. Нихоят, болалар Екатеринбургдан хат олишди. Унда хаммалари сог-саломат эканликлари, аммо халиги шаҳарда тўхталиш сабабини англаб етолмаётганлари айтилганди. Сатрларда юракка гашлик соладиган нимадир бордек туюларди.

Чоршанба, 8 май. хазрати Олийларига хамрохлик қилган кўрикчиларимизнинг зобит ва солдатлари Екатеринбургдан қайтиб келишди. Уларнинг хикоя қилишларича, Екатеринбургга етиб келиши билан кизилармиячилар шаҳаншоҳ поездини ўраб олишибди ва шаҳаншоҳ, малика ва Мария николаевнани Ипатьевга қарашли уйга қамаб қўйишибди. Князь Долгорукий камокхонада экан ва уларнинг ўзларини ҳам икки кунлик тутқунликдан кейингина озод қилишибди.

Шанба, 11 май. Полковник Кобилинский ишдан четлатилди ва биз Тобольск совети ихтиёрадамиз.

Жума, 17 май. гўрикчиларимизнинг солдатлари орқамиздан етиб келган комиссар Радионов буйруги билан алмаштирилди. Генерал Татищев ва мен жўнаб кетишимизни иложи борица орқага суришимиз лозимлигини сезиб турибмиз, бироқ маликаи олиялар ота-оналарини кўришга шунчалик мушток эдиларки, уларнинг каттик согинчларига қарши боришга биз ҳеч кандай маънавий ҳуқуққа эга эмас эдик.

Шанба, 18 май. Кечки ибодат. Рухоний ва роҳиблар комиссар фармойиши билан ечинтирилдилар ва тинтув қилиндилар.

Якшанба, 19 май (эски ҳисобда 6 май). Шаҳаншоҳ Фаришта куни... Бизнинг эртасига жўнаб кетишимиз тайин қилинган. Комиссар рухонийнинг бизнинг ҳузуримизга қиришига рухсат бермади ва маликаи олияларга тунда хоналари эшикларини қулфлашни тақибди қўйди.

Душанба, 20 май. Соат ўн бир яримда уйни тарқ этамиз-да, “Русь” кемасига чиқамиз. Бу бизни хазрати Олийлари билан биргаликда сакқиз ой муқадам бу ерга олиб келган ўша кема эди. Биз билан кетишга рухсат олган боронесса Буксгевден бизга келиб қўшилди. Эрталаб соат бешда биз Тобольскни тарқ этамиз. Комиссар Радионов Нагорний билан

Алексей Николаевични ўз каютасига камаб кўяди. Биз норозилик билдирамиз, чунки бола касал ва исталган вақтда доктор унинг олдига кириши керак. Чоршанба, 22 май. Эрталаб биз Тюменга етиб келамиз.

Екатеринбург. Шох хонадонининг катл этилиши

22 майда Тюменга етиб келишимиз билан бизларни бетўхтов кучайтирилган кўрикчилар назорати остида Екатеринбургга олиб бориб кўйиши керак бўлган махсус поездга жўнатишди. Хша пайтда ўқувчим билан вагонга кирганимда мени шахзодадан ажратиб олишди-да, бошка сокчилар катори кўриккландиган тўртинчи тоифа вагонига ўтказишди. Тунда Екатеринбургга етиб келдик, бу ерда темир йўл станциясидан сал нарига бориб тўхтадик. Эрталаб соат тўққизларда бир неча экипаж етиб келди ва поездимиз теварагидан саф олиб жойлашишди. Кўзим болалар жойлаштирилган вагон томон йўл олган тўрт одамга тушди. Бир неча дакикадан кейин Нагорний (Алексей Николаевичга кўйилган матрос) бетоб шахзодани кўлида кўтарганча вагон деразаси олдидан ўтиб кетди. Унинг ортидан жамодонларни ва майда-чуйда буюмларини кўтарганча маликаи олиялар борар эдилар. Мен чикмокчи бўлган эдим, бироқ сокчилар кўпол тарзда мени кайта вагон ичига туртиб киргаздилар.

Мен дераза олдида кайтдим. Татьяна Николаевна жажжи кучугини етаклаган ва кора рангли залворли жомадонини кўтарган кўйи энг охирда одимларди. Ёмгир ёгмокда эди ва мен унинг дам-бадам лойга ботиб колаётганини кўрдим. Нагорний унга ёрдамга талпинган эди, бироқ комиссарлардан бири куч билан уни оркага итариб ташлади. Бир неча дакикадан сўнг болаларни шахар томон олиб кетганча экипажлар кўздан йўқолди. Хшанда ёнларида шунча йиллар бирга бўлган одамларни яна кўриш насиб этишига деярли шубха килмаган эдим. Мени кидириб опишларига ва биз ўша захоти шох хонадони билан апок-чапок бирга бўлиб кетишимизга ишонган эдим.

Бу орада соатлар бир-бирини кувлаб ўтиб борарди. Поездимизни бир станцияга олиб боришди, кейин кўзим ўтиб кетаётган генерал Татищев, графиня Гендрикова ва m-lie Шнейдерга тушди, уларни хайдаб олиб кетишаётганди. Бирмунча кейинрок навбати билан Волковни, маликанинг камердинери Харитоновни, баковул Трупни ва ўн тўрт яшар ошпаз, муштдеккина Леонид Седневни олиб ўтишди.

Кейинчалик бир бало килиб кутулиб чиккан Волков ва айби кечирилган митти Седневдан бошка бугун хайдаб олиб ўтилганлардан биронтаси большевиклар кўлидан омон чикмаслиги керак эди.

Биз хар бир сонияни кутиб ўтказмокда эдик. Бирон кор-хол бўлдимикан? Нима учун навбати билан бизни олиб кетгани келишмаяпти? Бизлар шу тарика минг хил хаёлу тусмолларга бориб турганимизда соат ешларда оркамиздан Тобольскка етиб келган комиссар Родионов вагонимизга кириб келди-да, сизлар хеч кимга керакмасизлар ва озодсизлар, деб эълон килди.

Озодмиз! гизик, бизни улардан ажратиб колишдими?! Бир зум севинчдан ўзимизни йўқотиб кўяёздик, бироқ хаял ўтмай севинч ўрнини чуқур мунг эгаллади. Хўш, энди нима килишимиз керак? Не чора кўрмок керак? Биз гангиб колган эдик!

Мен халигача бир нарсани тушунолмаيمان: хаётимизни саклаб қолишга большевик комиссарларни нима мажбур қилган эди? Нима учун, масалан, графиня Гендриковани камокхонага олиб кетишди-ю, айна вақтда маликанинг фрейлинаси баронесса Буксгевденни озодликда қолдиришди? Нима учун бизни эмас, уларни олиб кетишди? Бу исми шариф ёки лавозимларга боғлиқмимиди? Сир!

Эртасига эрталаб ва кейинги кунлар давомида мен бир ҳамкасбим билан Англия ва Швеция консулхоналарига йўл олар эдим. Франция консулхонаси йўқ эди. Нима қилиб бўлса ҳам махбусларга ёрдам бериш учун бирон чора қўрмаса бўлмас эди. ҳар икки консул ҳам, бу борада айрим қадамлар қўйилди ва хатар бартараф этилишига умид боғлаб турибмиз, дея таскин берар эдилар.

Мен Ипатьев уйи олдидадан ўтиб кетаётган эдим. Бинога камокхона тусини бериб турган баланд тахта девор ортидан факат деразаларнинг тепа қисми қўриниб турарди, холос. Бирок мен бу уйга кириб боришдан ҳамон умидимни узганим йўқ эди, чунки шахзодани қўргани келиб туришга рухсат берилган доктор Деревенко доктор Боткиннинг шаханшоҳ номидан қўриқчилар бошлиғи комиссар Авдеевдан мени уларга қўшиб олинишимни илтимос қилганини эшитибди. Авдеев бу масала бўйича Москвадан сўраб қўраман, деб жавоб берибди. Шаҳарда уй олган доктор Деревенкодан бошқа мен ва менинг издошларим бизни бу ерга олиб келган тўртинчи тоифали вагонга жойлашдик. Биз бу вагонда бир ойдан қўпроқ вақт бўлишимиз керак эди.

26 майда биз таркибига Екатеринбург ҳам қирувчи Перм губернияси худудини зудлик билан ташлаб чиқиш ва Тобольскка қайтиб кетиш хақида фармойиш олдик. Устимиздан назорат ўрнатишни енгиллаштириш ва барчамизни бир жойда ушлаб туриш учун бирйўла бизга умумий ҳужжат беришда ҳам жонбозлик қилишди. Бирок поездлар юрмаётган эди, чунки большевикларга қарши рус ва чехлар ҳаракати тез ёйилиб бормокда ва темир йўл излари Тюменга шошилиш йўл олаётган большевик эшелонларига бутунлай бериб қўйилган эди. Бу биз учун янги муҳлат эди.

Бир кун мен доктор Деревенко ва ҳамкасбим Гиббс билан Ипатьев уйи олдидадан ўтиб кетаётгандим, шунда уй олдида қўпгина кизилармиячилар қуршаб олган икки извошга қўзимиз тушди. Биринчи экипажда икки конвоир ўртасида турган Седневни (маликаи олияларнинг қароли) қўрганимизда, шунақанги ваҳимага тушдикки, қўяверасиз. Нагорний иккинчи экипажга яқинлашиб келарди. Экипаж чеккасидадан тутганча у узангига қўтарилди ва бошини қўтариб, ундан бир неча сония тикилиб турди-да, бизни сотиб қўйиши мумкин бўлган бирон-бир ҳаракат қилмай, экипажга ўтирди. Экипажлар, қўриб турганимиздек, камокхона томон йўлга тушди. Бу иккала ҳалол одам қўп ўтмай отиб ташланган эди. Бор-йўқ гуноҳлари шундан иборат эдики, улар большевик комиссарлар Алексей Николаевич қаравоти ёнидаги тепарокдан Тангри тасвири осиглик тилла занжирни олиб қўйганларида газабларини яширолмаган эдилар.

Орадан яна бир неча кун ўтди ва мен доктор Деревенкодан менга нисбатан доктор Боткин қўтариб чиққан тақлиф рад этилганини билдим.

3 июнда вагонимиз оч одамлар ортилган қўплаб поездлардан бирига уланди, бу поездлар озуқа олиб келгани Россиядан Сибирга йўл олган эди ва бизни Тюменга жўнатишганди, бу ерга талай саргузаштлардан сўнг 15 июнда етиб келдик.

Бир неча соатдан кейин мени большевикларларнинг Бош қароргоҳида ҳибсга олишди, ўзим ва ҳамроҳларим учун зарур бўлган паспорт визасига мен айнан шу ерга қелишим керак эди. Тасодифий ҳол билан бу гал кечкурун қутулиб чиқишга муваффақ бўлдим ва ҳамроҳларим мени қутиб турган вагонга қайтдим. Шундан кейин бизнинг келганимизни

фош килиб кўйган бир тасодиф туфайли хаддан ташкари серташвиш кунларни бошдан ўтказишимга тўғри келди. Бизни бир нарсагина саклаб колди, у ҳам бўлса Тюмен вокзалини тўлдириб турган кочоклар орасига шўнгиб, уларга билдирмай ўтиб олганимиз эди.

20 июлда большевикларга карши оқларнинг гурухлари Тюменни эгаллашди, шунинг шарофати билан биз мукаррар ўлим чангалидан кутулиб колдик. Бир неча кундан кейин рўзномаларда Екатеринбург кўчаларида ёпиштириб ташланган эълон пайдо бўлди, унга кўра “собик шох Романов устидан чиқарилган ўлим ҳукми 16 дан 17 июлга ўтар кечаси ижро этилган ва малика болалари билан хавфсиз жойга кўчириб ўтказилган”.

Нихоят, 25 июлда ўз навбати билан Екатеринбург ҳам таслим бўлди. Факат шундай хабар таркалдики, бунга кўп вақт сарфлашга тўғри келган, чунки темир йўллар бузиб ташланган. Мен ва жаноб Гиббс шох хонадони ва Екатеринбургда колган ўртоклардан битта-яримтасини кидириб топиш учн шошилинич етиб келдик.

Эртасига Екатеринбургга етиб келганимдан кейин биринчи марта Ипатьевнинг уйига киролдим. Шох хонадонининг махбуслик жойи бўлиб хизмат килган биринчи каватдаги барча хоналарни айланиб чиқдим. Улар хаддан ташкари бетартиб эди. У ерда яшаган одамлардан ном-нишон колмаслиги учун обдон харакат килинганлиги кўриниб турарди.

Печкалардан ичида ярми куйган кўплаб майда-чуйда буюмлар бўлган кул чиқариб ташланганди, булар тиш чўткалари, соч кистиргичлар ва хоказолар эди, улар орасида корайган фил суягида сакланиб колган А.Ф. (Александра Фёдоровна) инициалли соч чўткасининг бир бўлагини топиб олдим. Агар махбусларнинг кўчирилгани тўғри бўлса, унда уларни ўзлари билан пардоз-андоз буюмларидан энг зарурини ҳам олиб олишга улгурмаган бир тарзда олиб кетишган бўлиши керак. Сўнгра мен хазрати Олийлари жойлашган хона деворида ва дераза рахида маликанинг жондан яхши кўргани Sauvastika (хиндистонда диний рамзий белги бўлиб, тенг кисмли, учлари чап томонга кайрилган хочдан иборат. Агар учлари ўнгга кайрилган бўлса (айтидан куёш йўналишида), белги Svastika деб аталади.) тамгачасини кўриб колдим, буни у каерга борса ўша жойда бахт нишони деб кўйиб кўяр эди.

У бу нишонни каламда чизган ва тагидан “17-30 апрел” – уларнинг Ипатьев уйига камаб кўйилган кун кайд этилган эди. Худди шу нишон, факат санасиз, яна, ҳеч шубҳасиз, Алексей Николаевич ётган каравот тепасига, девор гулкоғозига ёзиб кўйилганди. Шнча тиришиб-тирмашиб кидирганимга карамай, шох хонадони кисматидан дарак берувчи тирнокча далилни ҳам топишнинг асло иложи бўлмади. Шундан сўнг тағхонага тушдим, унинг ярми ер остида эди. Зўр хаяжон ичида мен ўшанда заррача шубҳа килмаганим шох хонадони катл этилган уйчага кирдим. Уйча ичи ҳеч тасаввур килиб бўлмайдиган тарзда дахшатли ахволда эди. Кундузги ёруг у ерга девордаги одам бўйидан баландрокда жойлашган деразадангина кирарди. Девор ва полларда кўплаб ўк ва штик зарбалари излари бор эди. Бир карашдаёк бу ерда дахшатли жинойт содир этилгани ва бир канча одам ўлим топгани яккол кўриниб турарди. Аммо кимлар? Ва нечта?

Мен шаханшохнинг халок бўлганига шубҳа килмадим, борди-ю шундай бўлса, маликанинг бунга бардош беришига асло кўзим етмасди. Тобольскдаёк сезгандим буни: шаханшохни олиб кетгани комиссар Яковлев келганида малика энг зўр хатар рўй бериши мумкин бўлагн жойга ўзини отганди. Мен уни бир неча соатлик изтироблардан сўнг кўрдим, ўшанда унинг вужудида хотинлик ва оналик туйғулари аёвсиз курашарди, ўзини жон холатда ташлаб кетаётган онада ва тан махрамини ажал ўз комига тортиб кетаётган

хотинда ана шундай хол содир бўлиши мумкин. Албатта, уларнинг ҳар иккови ҳам шу ваҳшийлар кўлида жойи ростонига кетган бўлиши мумкин. Аммо болалар-чи? Улар ҳам ўлдириб юборилганмикан? Бундай бўлишига ишонмаган бўлардим. Шунини ўйлашим билан вужудим ларза келарди. Нима бўлганда ҳам бундаги ҳамма нарса қурбонлар кўп бўлганидан дарак бериб турарди. Унда!..

Кейинги кунларда мен Екатеринбургда, унинг чеккаларида, монастирларда ва бирон-бир изни топиш илинжида ҳамма жойда ўз кидиришларимни давом эттирдим. 14 июлда, яъни бу мудҳиш тундан бор-йўғи икки кун илгари Ипатьев уйида сўнги ибодатни адо этган рухоний Сторижевни кўрдим. Афсуслар бўлсин! У ҳам шох хонадонидан биронтасининг тирик қолишига умиди деярли йўқлигини айтди.

гидирув жараёни жуда имиллаб борарди. У хаддан ташқари кескин вазиятда бошланди, чунки большевик комиссарлар 17 ва 25 июл оралигида жиноятнинг деярли барча изларини йўқотиш учун етарли вақтга эга эдилар. Екатеринбургни оқлар олган вақтдан бошлаб ҳарбий ҳокимият Ипатьев уйи олдига қоровул қўйиб қўйган ва суд терговлари бошлаб юборилган. Бирок калава шу қадар чигаллаштириб юборилган эдики, улардан бирон тайинли гапни билиб лиш амри маҳол эди. Екатеринбургдан 20 чақиримча шимоли-шарқда жойлашган Коптяка қишлоғи дехқонлари жуда муҳим кўрсатмаларни беришди. Улар (қизиллар) келиб, 16 дан 17 июлга ўтар кечаси большевиклар уларнинг қишлоғи яқинида ўрмон ичидаги сайхонликни эгаллашгани ва у ерда бир неча кун қолиб кетишганини айтишди. Улар ташландик шахта ёнидан топиб олган нарсаларини келтиришган, шахтадан сал нарида эса катта гулхан қолдиқлари кўришиб турган. ҳокимият одамлар ўша сайхонликка боришган ва у ерда, худди олдингилари қаби, шох хонадони аъзоларига тегишли деб эътироф этилган бошқа буюмларни топишган. Тергов ишларини олиб бориш Екатеринбург суди аъзоси Иван Александрович Сергеевга топширилган ва одатдаги тўртинчи олиб борилган, аммо кўп қийинчиликларга дуч келинган. Сергеев шох хонадонининг қатл этилганига, аммо уларнинг жасадлари ҳали топилмаганига ва айрим гувоҳларнинг кўрсатмаларига кўра малика ва болалари олиб кетилган бўлиши мумкинлигига кўпроқ ишонгиси келарди. Екатеринбургда қолдирилган большевикларнинг айдоқчиларидан келиб чиққан эди. Улар қисман мақсадларига эришганлар ҳам, чунки Сергеев кўплаб қимматбаҳо вақтини йўқотган ва ёлгон йўлда турганини узок вақтгача билмаган эди. ҳафталар ўтаверди, бироқ аниқ маълумот йўқ эди. Шунда мен Тюменга жўнашга қарор қилдим, чунки Екатеринбургдаги қимматчиликка чидаб бўлмасди.

Жўнашимдан олдин, агар тергов чоғида бирон-бир янги маълумот учраб қолса, менга ҳабар қиласиз, деб Сергеевдан сўз олдим.

1919 йилнинг январини охирида генерал Шанндан телеграмма олдим. Мен у билан Могилёвда, Рус қароргоҳи қошида француз ҳарбий миссияси бошлиғи бўлган вақтда танишган эдим. У мени Омскка келишга таклиф этарди. Бир неча кун ўтгач, Тюменни тарк этдим ва 13 июлда Франция ҳукуматининг Омск ҳукумати қошидаги француз ҳарбий мубашширлиғи таркибига кирдим.

Шох хонадонининг қўйиб бўлиши бўйича олиб борилаётган терговнинг тарихий жихатдан муҳимлигини эътироф этган ва бу тергов натижалари билан танишишни истаган адмирал Колчак январда генерал Дитрихсга унга Екатеринбургдан тергов ашёларини, шунингдек, топилган ашёвий далилларни олиб келишни топширди. 5 февралда у алоҳида муҳим ишлар бўйича суд терговчиси Николай Алексеевич Соколовни чақиритишни буюрди ва унга тергов ишларини юргизишни зиммасига олишни таклиф этди. Икки кундан кейин

адлия вазири Старинкивеч Соколовни сергеев бошлаган терговни давом эттиришга вакил килди.

Айни шу вақтда Соколов билан танишдим. Биринчи учрашувимизданок шу нарсани англадимки, оқоловнинг ҳеч нарсага умиди йўқ. Менга келганда эса, бундай дахшатларнинг содир бўлиши мумкинлигига ҳамон ишонгим келмасди. “Ахир болалар-чи, болалар?! – нидо солардим мен. – Болалар ҳам ота-оналари қисматига гирифтор бўлдилар. Бунга заррача шубҳа килмайман. Бирок жасадлари-чи? Сайхонликни яхшилаб кидириб кўрмок керак, у ерда сини оқадиган қалитни топамиз, чунки большевиклар у ерда уч куну уч тунни бир нечта кийимни ёкиш учунгина ўтказмагандир”.

Афсус! хозиргина Пермдаги камокхонага тушган асосий котиллардан бири Павел Медведевнинг кўрсатмаларига биноан суд тергови хулосалари шуни тасдиқлаб турарди. Соколов Омскда эди.

Сергеев Медведевни 25 февралда Екатеринбургда сўрок килган. Медведев шаханшоҳ, малика ва бешала фарзанди, доктор Боткин ва учала хизматкор 16 дан 17 июлга ўтар кечаси Ипатьев уйининг тағхонасида ўлдирилганини узил-кесил тан олди. Аммо котилликдан кейин жасадларни нима қилишгани борасида битта ҳам кўрсатма бера олмаган ёки кўрсатма беришни истамаган.

Мен Соколов билан бир неча кун бирга ишладим ва кейин Сергеев бошлаган терговни жойида давом эттириш учун Екатеринбургга отландим.

Апрелда адмирал Колчак топшириги бўйича махсус юборилган генерал Дитрихс Владивостокдан қайтиб келгач, Соколовнинг ёнига кирди ва тергов ишларини олиб боришда унга ёрдам бера бошлади. Шу аснодан эътиборан тергов ишлари жўнашиб кетди. Юзлаб одамлар сўрок қилинди ва қор эрий бошлаши ҳамон Коптяка қишлоғи дехқонлари шох хонадонига мансуб буюмларни кидириб топган сайхонликда ишлар қизигандан-қизиб кетди. Шахта тозаланиб, энг тубигача қараб чиқилди. Қул ва сайхонлик тупрогининг бир қисми галвирдан ўтказилди, атрофидаги барча ерлар диққат билан тадқиқ этилди. Иккита катта гулханнинг жойини аниқлашга муваффақ бўлинди ва учинчисининг излари унчалик аниқ эмаслиги маълум бўлди... Бу синчковлик билан олиб борилган кидирувлар фавқулодда муҳим кашфиётларга сабаб бўлди.

Бошланган ишга ўзини бутунлай бахш этиб ва битмас қуч ва сабр-тоқат ила, Соколов бир неча ой давомида хайратомуз изчиллик билан жинойтни бутун иқир-чиқиригача тиклаш имконига эга бўлди.

Тергов тиклаган жинойтлар қандай содир этилгани хусусида

Кейинги саҳифаларда мен шох хонадонига нисбатан қилинган котиллик тафсилотларини гувоҳларнинг кўрсатмалари ва терговдан аниқланган ашёвий далиллар қандай белгилаб берган бўлса, ўшандай баён этаман. Тергов ашёларидан иборат қўлёзмаларнинг олти катта-катта жилдларидан бу воқеанинг энг муҳим ўринларини танлаб олдим, бунинг ҳаққоният эканига, э-воҳ! ҳеч қандай шак-шубҳа қолмаган. Бу ҳужжатларни ўқиш чоғида пайдо бўлган таассурот дахшатли босирик тушга ўхшайди, аммо бу воқеа дахшатларини атайлаб бўрттириб кўрсатишга заррача ҳаққим йўқ.

1918 йил апрелининг ўрталарида Москвадаги МИГ раиси Я.Свердлов шох хонадонини олиб келиш учун комиссар Яковлевни Тобольскка жўнатди. Яковлев шох хонадонини Москва ё Петроградга олиб келиш фармойишини олди, бироқ топширик ижроси чоғида каршиликка дуч келди. Бу каршилик Екатеринбургда жойлашган Урал Облсовети томонидан кўрсатилди. Мазкур Совет Яковлев учун кутилмаган тарзда ўтиб кетар чоғида шаханшоҳни кўлга олиш имконини берувчи тузук тайёрлади. Бироқ шундай хулоса чиқариш ҳам мумкинки, бу лойиҳа махфий тарзда Москвада кўллаб-куватланган. Яна шу ҳам эҳтимолдан узок эмаски, Свердлов иккиёклама ўйин ўйнаган, хусусан, у Германиянинг Москвадаги вакили барон Мирбах талабини бажараётгандай бўлиб, Екатеринбург комиссарлари билан шохни чиқариб юбормасликка келишиб олган. Шаханшоҳни колдириш, нима бўлганда ҳам, унинг режасидан жой олган. Кундуз соат иккида савдогар Ипатьев ўз уйидан хайдаб чиқарилади ва дархол тахталардан баландлиги шу уйнинг иккинчи кавати деразалари тепасигача етадиган мустаҳкам девор тиклашга киришилади.

30 апрелда шаханшоҳ, малика, маликаи олия Мария Николаевна, доктор Боткин ва учала хизматкор ўша жойга келтирилади. Хизматкорларга хамроҳ бўлиб маликанинг оксочи Анна Демидова, шаханшоҳнинг камердинери Чемадуров ва маликаи олияларнинг кароли Седнев келган эдилар. Аввалига солдатлар кўрикчилик киладилар, уларни кутилмаганда постдан олиб ташлашар ва тез-тез алмаштириб туришар эди. Кейинроқ эса кўрикчиликка бутунлай Верхне-Исетск заводи ва ака-ука Злоказовлар фабрикаси ишчилари кўйиладиган бўлган эди. кўрикчилар бошлиги Ипатьевнинг “махсус вазифали уй” деб аталадиган уйнинг комендант комиссар Авдеев эди.

Бу ерда махбусларнинг шароити Тобольскдагига караганда анча огир эди. Авдеев уччига чиккан арокхўр эди ва вахшиёна табиатини бор бўйича намойиш килар, у кўриклаши керак бўлган шахсларни хар куни янгидан-янги хўрликларга дучор этарди. Хўрликларга чидашга, махрумиятларга итоат этишга, бу ифлос, разил махлукларнинг талаб ва инжикликларига токат килишга мажбур эдик.

23 майда Екатеринбургга етиб келгач, шахзода ва унинг уч синглиси ота-оналари кутиб турган Ипатьев уйига йўл олишди. Дахшатли эртанги куннинг мукаррар кайгуси ва номаълум истикболига карамай, узок айрилиқдан сўнг бу кўришув жуда катта кувонч бахш этган эди. Бир неча соат ўтгандан кейин яна Харитоновни (бош баковул), кария Труил (карол)ни ва митти Леонид Седнев (ошпаз)ни хам келтиришди. Генерал Татишчев, графиня Гендрикова, m-lle Шнейдер ва маликанинг камердинери Волков тўгри камокхонага жўнатиб юборилганди.

24 майда Чемадуров касал бўлиб колди ва камокхона лазаретига юборилди. Уни эсадан чиқариб кўйишди ва шунинг шарофати билан гаройиб тарзда ўлимдан жон саклаб колди. Бир неча кундан кейин навбати билан Нагорний ва Седневни олиб келишди. Махбуслар ёнида колдирилган бу оз сонли одамлар тез камайиб борарди. Туткинларнинг бахтига уларга доктор Боткинни колдиришганди, унинг садокатига гап йўк эди, колган хизматкорларга бу борада факат балли дейсан, киши. Улар: Анна Демидова, Харитонов, Труил ва митти Леонид Седнев. Укуюатларга тўла ушбу кунларда доктор Боткиннинг келиши махбуслар учун катта далда бўлди. У хаммага бирдек гамхўрлик кўрсатар, улар комиссарларнинг ўрталарида воситачилик килар ва уларни кўрикчиликдаги солдатларнинг кўполликларидан химоя этарди.

Шаханшоҳ, малика ва шахзода майдонга ва Вознесенский кўчасига олиб чиқадиган бурчакдаги хонани эгаллашган. Тўрттала маликаи олия кириш эшиги олиб ташланган

кўшни хонага жойлашишган. Каравоти йўклигидан дастлабки тунларни улар полда ётиб ўтказишди. Доктор Боткин танобий уйда ухларди, маликанинг оксочи эса бог ва Вознесенский кўчасига караган бурчак хонада турарди. голган махбуслар эса ошхона ва унга ёндош хонада жойлашишганди.

Огир сафар Алексей Николаевични кокиб кўйганди ва унинг соглиги баттар ёмонлашганди. Куннинг кўп кисмини у тўшакда миҳланиб ўтказар ва айлангани чиқишганда уни шаханшоҳнинг ўзи бокка олиб чиқарди.

Шох хонадони, шунингдек, хизматкорлар ҳам шу какатда турувчи комиссарлар билан битта дастурхонда ўтириб овкатланишарди, бунинг оқибатида маст-аласт юрадиган бу кўпол одамларга тинмай тўкнаш келар эдилар.

Уй тахталардан ясалган иккинчи девор билан қуршалган бўлиб, у чинакам истехком камокхонага ўхшарди. Ичкаридан ҳам, ташкаридан ҳам сокчилар кўйиб ташланганди. Уй ичида ва богда Митральезалар кўйилган. Кираверишдаги биринчи комендантнинг хонасини комиссар Авдеев, ёрдамчиси Мошкин ва бир неча ишчи эгаллаган. голган кўрикчилар тағхона каватда жойлашган 8 Солдатлар эса хохлаган пайтларида юкориги каватга кўтарилар ва шох хонадони жойлашган хоналарга кириб борар эдилар.

Лекин диний кайфият махбуслар руҳи тетиклигини хайратомуз даражада кўтариб турарди. Улар ўзларига бўлган ишончни заррача йўкотмаганди, бу нарса Тобольскдаёқ атрофдагиларни хайратга солган ва мусибатли онларда уларга бу қадар зўр куч ва ирода бағишлаган эди. Кўпинча малика ва маликаи олияларнинг беихтиёр гашига тегар эди.

Шундай бўлса-да, аста-секин кўрикчиликдаги бу солдатлар ўз махбусларига нисбатан хушмуомала бўлиб қолдилар. Улар махбусларнинг оддийлигидан, юмшоқ муомалаларидан хайратга тушиб, самимиятларига, нафсониятларига койил қола бошладилар ва кўп ўтмай ўзларини қўл остиларида деб билган одамлар ихтиёрига топшириб кўйгандек хис қила бошладилар. хатто арокхўр Авдеев ҳам бундай бағрикенгликни кўриб, ўзини ночор хис қилар, ўз хулқининг тубанлигига тан бера бошлаган эди. Бу одамлардан дастлабки шафқатсизлик чуқур раҳмдиллик билан алмашганди.

Екатеринбургда куйидаги Совет хокимияти идоралари бор эди: 1) Урал вилоят кенгаши, ўттиз аъзодан иборат, раиси комиссар Белобородов; 2) Ижроия кўмита туридаги Президиум, бир неча аъзодан иборат: Белобородов, Голошчекин, Сирополотов, Сафаров, Воейков ва бошқалар; 3) “Чрезвычайка” (фавкулодда хайъат), аксилинкилобчилик ва сохта ватанпарварликка қарши қураш бўйича фавкулодда хайъатнинг халқ берган номи; унинг маркази Москвада жойлашган бўлиб, бутун Россияда бўлимларига эга эди. (...)

Екатеринбургдаги “Чрезвычайка” гоят кучли эди ва Юровский, Голошчекин ва бошқалар унинг энг қудратли аъзолари хисобланар эдилар.

Авдеев бевосита бошка комиссарлар, Президиум ва “Чрезвычайка” аъзолари назоратида эди. Улар махбусларга нисбатан кўрикчиларнинг қарашларида содир бўлган ўзгаришни диққатдан қочирмадилар ва қатъий қоралар кўришга қарор қилдилар.

Москвадагилар ҳам бесаринжом эди, буни Екатеринбургдан Белобородов, Свердлов ва Голошчекинга (улар бу пайтда Москвада эдилар) юборган куйидаги телеграмма кўрсатиб турарди: “Ишни марказ кўрсатмаларига мувофиқ тартибда ташкил этиш учун Сиромолотов яқинда Москвага кетди. Хавотир олишга ўрин йўқ. Ташвиш қилмас бўлади. Авдеев қақриб олинди. Мошкин хибсга олинди. Авдеев Юровский билан алмаштирилди.

Ички кўрикчилар олиб ташланди ва ўрнига бошқалар кўйилди”. Бу телеграммага 4 июл деб сана кўйилган.

Дархакикат, шу куни Авдеев ва унинг ёрдамчиси Мошкин хибсга олинган, комиссар Юровский ва унинг ёрдамчиси Никулин билан алмаштирилганди. Юкорида тилга олинганидек, мутлако рус ишчиларидан ташкил топган кўрикчилар Поповга карашли кўшни уйга кўчириб ўтказилганди.

Юровский ўзи билан ўн нафар одамни олиб келганди – деярли барчалари “Чрезвычайка”нинг жаллодларидан чиккан австрия-германия харбий асирлари эди. Шу кундан бошлаб улар ички постларни банд этдилар, ташки постларни эса рус кўрикчилари эгаллашда давом этдилар.

“Махсус вазифали уй” мутлако “Чрезвычайка”га тобе бўлиб колди, махбуслар хаёт эса азоб-укубатлардан бошка ҳеч нимани англатмасди.

Бу вақт ичида Москвада, афтидан, шох хонадонини катл этиш борасидаги масала ҳал бўлган эди. Юкоридаги телеграмма ҳам шуни тасдиқлаб турарди. “Ишни марказ кўрсатмасига мувофиқ тарзда ташкил этиш” учун Сиромолотов Москвага кетганди. У Свердлов такдим этган йўл-йўриқлар ва кўрсатмаларни олиб, Голошчекин билан кайтиб келадиган бўлганди. Унгача Юровский ўз режалари устида бош котирарди. Бир неча кун мунтазам у отга миниб чиқиб кетар эди ва уни қурбонларнинг жасадларини изсиз йўқотиш учун дидига мос жой кидириб, шаҳар чеккаларида айланиб юрганни кўришарди. Сурбетликда шайтонга дарс берадиган мана шу кас тўшақда ётган бемор валиахдни бориб кўришга отланади.

Орадан бир неча кун ўтди. Голошчекин ва Сиромолотов кайтиб келишди. ҳамма нарса шай килиб кўйилганди.

14 июл якшанба куни Юровский рухоний Сторожевни чакиришни амр килди ва уйда ибодат килишга рухсат берди. Махбуслар ўлимга ҳукм этиб бўлинган ва уларнинг диний ёрдам кўрсатиш борасидаги илтимосини рад этиш мумкин эмас эди.

Эртаси куни Юровский митти Леонид Седневни рус кўрикчилари турган Попов уйига олиб боришни буюрди.

16 июл, кечқурун соат еттилар, Юровский ўзи каттик ишонган ва рус кўрикчилари тепасида турган Павел Медведевга рус кўрикчилари бисотида бўлган ўн иккита револьверни келтиришни буюрди. Ушбу буйруқ бажарилиб бўлиши ҳамон Юровский Медведевга бугун тунда бутун шох хонадони катл этилажанин эълон клди ва унга бу ҳақда рус кўрикчиларига сал туриб эълн килишни буюради.

Бироз вақт ўтиб ярим тундан сўнг Юровский шох хонадони аъзолари турган хонага бостириб киради, уларни ўзлари билан ыга бошка одамлар катори уйготади ва улраг, мен каёкка олиб борсам ўша ёкка юрасизлар, чунки шаҳарда галаёнлар бўлиб турибди, хозирча хавфсизрок бўлгани учун пастки каватда тура тураслар, дейди. Кўп ўтмай ҳамма шай бўлади ва айрим майда-чуйдаларини олганча ховлига олиб чиқувчи ва куйи кават хоналарига олиб кирувчи ички зинопоядан пастга тушишди. Никулин билан бирга Юровский олдинда борар, ундан кейин Алексей Николаевични кўлида кўтарганча шаханшоҳ, малика, маликаи олиялар, доктор Боткин, Анна Демидова, Харитонов ва Трупп борарди.

Махбуслар Юровский кўрсатган хонада тўхташади. Улар ўтказиб олиб кетиш учун извош ва автомобил тутиб келишларига юз фоиз амин эдилар. хали анча кутишга тўғри келгани учун махбуслар ўтиришга стуллар келтиришни сўрайдилар. Уларга учта стул келтиришади. Оёк огриги туфайли тик туролмайдиган валиахд хона ўртасида ўтиради.

Шаханшоҳ унинг чап ёнидан жой олади, доктор Боткин эса унинг чап ёнида сал оркарокда туради. Малика девор ёнида улар кириб келган эшикдан ўнг тарафда деразага яқинрок жойда туради. Малика стулига, худи Алексей Николаевичга ўхшаб, ёстикча кўйишади. гизларидан биттаси – эхтимол Татьяна бўлса керак – маликанинг ортида туради. гўлида иккита ёстикчани тутганча Анна Демидова ҳам хонанинг ўша томондаги бурчагида. голган учала маликаи олия хона тўрида, оркалари билан деворга суяниб туришарди, уларнинг ўнг тарафидаги бурчакда Харитонов ва Трупп турарди. Кутиш узок давом этади. Тўсатдан хонага етти нафар австрия-герман асирлари хамрохлигида Юровский ўзининг икки дўсти, комиссарлар Ермаков ва Ваганов, “Чрезвычайка”дан чакирилган жаноблар бостириб киришади. Медведев ҳам хозир бўлади. Шаханшоҳга яқин келаркан, Юровский унга караб шундай дейди: “Сизникилар сизни куткармокчи бўлдилар, аммо кўлларида келмади, биз сизни ўлдиришимиз керак”. Шартта револьверни кўтаради-да, тўппа-тўгри шаханшоҳга караб ўк узади, шаханшоҳ гурс этиб ерга кулайди. Бу хамманинг отиб ташланишига ишора эди, хар бири ўзига биттадан курбонни танлаб олганди. Юровский ўзига шаханшоҳ ва шахзодани танлаганди. Кўпчилик махбуслар деярли тил тортмай ўлади. Факат Алексей Николаевич паст овозда инграр эди. Юровский револьвердан ўк узиб, унинг хам нафасини ўчиради. Анастасия Николаевна ярадор эди ва котиллар яқинлашган захоти дод солиб кичкира бошлайди, сўнг уни штик зарбаси билан ер тишлатишади. Яна ёстикчалар билан ўзини тўсиб олган Анна Демидова ҳам ўлмади колган эди. готиллар зарбасидан ерга кулагунча у ўзини обдон у ёқдан-бу ёқка уради.

Гувохларнинг кўрсатмалари бу котилликнинг дахшатли манзарасини бутун тафсилотларигача кайта тиклаш имконини берди. Гувохлар – Павел Медведев, котиллардан бири, Анатолий Якимов (гарчанд тан олмаса-да, бу воқеа устида бўлгани аниқ) ва Филипп Проскуряков, у бу жиний воқеаларни кўзи билан кўрганлар тилидан хикоя килиб берди.

готиллик ниҳоясига етгач, комиссарлар ўз курбонларидан кимматбаҳо буюмларини ечиб олишади, жасадларини эса чойшабларга ўраб ва чанги айил-пуштанларига боғлаб, ховли дарвозаси олдида, иккала ёғоч девор ораллигида уларни кутиб турган автомобилга ортишади.

Кун чиккунча хаммасини ниҳоясига етказмок лозим эди. Жанозалар хали донг котиб ухлаб ётган шаҳар бўйлаб ўтиб боради-да, ўрмон томон йўл олади. Комиссар Ваганов отда олдинда боради, чунки битта-яримта учраб кўзи тушиб колмаслиги керак эди. халиги сайхонликка етай деганларида Ваганов бир дехкон аравасини кўриб колади. Аравада Коптяка кишлогилик бир хотин ўтирарди, у ўгли ва келини билан тунда балик сотгани шаҳарга кетаётган экан. Ваганов ўша захоти уларни изига кайтиб, уйга жўнашни буюради. Нарини берисини ўйлаб, ўзи уларга хамрох бўлади, уларнинг араваси атрофида отини ўйнатиб, “агар кайтиб шаҳарга йўл олсаларинг ё у ёқ бу-бу ёқка аланглайдиган бўлсаларинг, жонларингдан умид узаверинглар”, деб дўк уради. Бирок дехкон хотинининг кўзи отликнинг ортидан келаётган кўпчилик одамларнинг корасига тушиб улгурган эди. гишлокка кайтиб келгач, у кўрганларини окизмай-томизмай одамларга хикоя килиб беради. гизикиб колган дехконлар нима гаплигини билгани ўрмонга йўл оладилар ва у ерда коровулликка йкўйилган сокчиларга дуч келдилар. Йўл жуда хам ёмон бўлганидан автомобил сайхонликка зўр-базўр етиб борган эди. Жасадлар ерга олиб кўйилади, сўнг уларнинг кийимлари ечиб ташланади. Бу вақтда комиссарлар маликаи олиялар кийимлари остидан беркитиб такиб олган жуда кўп киматбаҳо

такнчокларни топишади. Комиссарлар дархол уларни кўйниларига солиб олишади, бироқ шошкалоқлик туфайли айримларини ерга тушириб юборадилар ва тепиб-тепиб тупрокка қориб ташлайдилар. Шундан сўнг жасадларни ниматалаб чопиб, бензин сепиб ёқилган улкан гулханларга қалайдилар. Анчагина йирик ниматаларни сульфат кислотаси ёрдамида ёқотишади. Юровский ва унинг иккала дўсти, Ермаков ва Ваганов раҳбарлиги остида котиллар уч кечаю уч кундуз жасадларни ёқотиш бўйича ўз ишларини дўндириб бажарадилар. Шаҳардан сайхонликка 175 килограмм сульфат кислотаси ва 300 литрдан кўпроқ бензин келтирилган эди.

Нихоят, 20 июлда ҳаммаси тугайди. котиллар гулханларни ёқотишади, кул шахта ичига ташланади ва бу ерда нималар бўлганини ҳеч ким билолмасин деб сайхонликка сочиб юборилади.

Нима учун бу одамлар қилган ишлари изларини бу қадар хафсала билан яширишга ҳаракат қилдилар? қилган ишларимиз ҳақ деб даъво қилсалар, ҳўш, унда нима учун улар жиноятчилардай яширинишади? Ҳўш, қимдан яширинишади?

Павел Медведев буларни бизга ўз кўрсатмаларида тушунтириб беради. Жиноят содир этилгандан сўнг Юровский Медведевнинг олдига келди-да, шундай деди: “Халқ галаён кўтармаслиги учун ташки постларни сақлаб тур”. Кейинги кунларда сокчилар гўё ҳеч нарса бўлмагандек ва гўё девор ортида ҳамон махбуслар бордек қоровуллик қилишда давом этавердилар.

Алдангандан рус халқи алданди ва у содир этилган жиноятдан беҳабар қолди.

Бу воқеани тасдиқлайдиган яна бир далил бор, у ҳам бўлса Авдеевнинг четлатилиши ва рус кўрикчиларининг олиб ташланишига оид 4 июлда кўрилган эҳтиёт чоралари эди. Комиссарлар Верхне-Исетск заводи ва ака-ука Злоказовлар фабрикасидан келтирилган ишчиларга ортик ишонмай кўйган эдилар. Ишчилар ўз ихтиёрлари билан тўпланишган ва “гонхўр Николай”ни кўриклашни зиммаларига олган эдилар. Улар таклиф этилган бу ифлос ишни фақат қаторга қилинганлар ёки ёлланма жаноблар, хорижликларгина бажариши мумкинлигини билар эдилар. Жаллодлар қуйидагилар эди: Юровский, Медведев, Никулин, Ермаков, Ваганов ва яна етти нафар австрия-германиялик ҳарбий асир.

ҳа, улар рус халқидан яширинмоқдалар, мазкур халқ вакилликка даъво қилувчи муртадлар шулар бўлади. Улар рус халқидан кўрқадилар, улар интиқомдан кўрқадилар. Нихоят, 20 июлда улар шу қуни Екатеринбург қўчаларида ёпиштирилган варақалар ёрдамида шаҳаншоҳнинг ўлимига оид гапларни ошқор этишга жазм қиладилар. Беш кун ўтгандан сўнг Пермь рўзномасида қуйидаги эълон чоп этилди:

ИШЧИЛАР, ДЕХҚОНЛАР ВА КИЗИЛАРМИЯЧИЛАР ДЕПУТАТЛАРИНИНГ УРАЛ ВИЛОЯТ КЕНГАШИ ПРЕЗИДИУМИ КАР ОРИ

Кизил Уралнинг пойтахти Екатеринбургга чехословак тўдаларининг таҳдиди ва тождор жаллоднинг халқ ҳуқмидан қочиқ қолиш ҳавфини назарда тутиб, (яқинда оқ гвардиячиларнинг бутун Романовлар қонадонини ҳалос этиш мақсадида қилинган игвоси

фош этилди) халк хошиш-иродасини бажара туриб Вилоят Кенгаши қарор қилди: халк олдидаги кўплаб қонли жиноятларда айбланган собиқ шох Николай Романов отиб ташлансин.

Вилоят Кенгаши Президиумининг қарори 16 дан 17 июлга ўтар кечаси ижро этилди. Романов хонадони Екатеринбургдан хавфсизроқ бошқа жойга кўчирилди.

Урал ишчилар, дехқонлар ва кизилармиячилар депутатларининг Вилоят Кенгаши Президиуми.

БУТУНРОССИЯ МАРКАЗИЙ ИЖРОИЯ КЎМИТАСИНИНГ 1918 ЙИЛ 18 ИЮЛДАГИ Қ А Р О Р И

Ишчилар, дехқонлар ва кизилармиячилар ва казаклар совет депутатларининг Марказий Ижроия кўмитаси ўз раиси номидан Урал Кенгаши Президиуми кўрган қораларни маъқуллайди.

Марказий Ижроия
кўмитаси Раиси
Я.СВЕРДЛОВ

Ушбу ҳужжатда гўё шаҳаншоҳ Николай II га қарши Екатеринбург Кенгаши чиқарган ўлим ҳукми ҳақида гапирилмоқда. Ёлгон! (...)

Шаҳаншоҳ қораланмаган, ҳаттоки суд ҳам қилинмаган эди. Уни қим ҳам суд қилар эди? У ўлдирилган эди.

Малика, болалари, доктор Боткин ва улар билан бирга ўлиб кетган ўқ хизматқор борасида яна нима дейиш мумкин? Қотилларнинг улар билан неча пуллик ишлари бор? Улар ўзларининг беғунохликларига амин эдилар: ўқ ўлдирди, олов йўқотди, тупроқ эса олов йўқ қилолмаган нарсани қоплаб олди.

Хайхот! Ўрага сичқон тушди – гулдир-гуп! гани биронтасининг оғзидан бир дона қалима қикса! Чунки уларнинг қўли нопок ишлар билан булганган Қомиссар Воейков айтиши мумкин қуйидаги гап ҳаққонийдек туюлганди: “Биз уларни нима қилганимизни ёруғ дунёда ҳеч қим билмайди”.

Аммо бу одамлар янглишган эдилар.

Қастлабқи қидирувлардан бир неча ой кейин суд тергови ўрмонда мунтазам қидирув ишлари олиб борди. ҳар бир қарич ер қазилди, тақик этилди, синқиклаб қўриб қикилди ва қўп ўтмай шхта, сайхонлик тупроғи ва тевақар-атрофдаги ўланлар уларнинг сирини фош қила бошлади. Сайхонликда қатта қисми топтаб ташланган юзлаб буюмлар ва уларнинг синиқлари топилди, сараланди ва суд тергови томонидан тасни этилди. Белқи қўйил қикилган буюмлар иқида қуйидагилар бор эди: шаҳаншоҳ қамарининг тўғаси,

фуражкасининг бир бўлаги, малика сувратининг мўъжазгина рамкачаси (сувратнинг ўзи йўқ эди) бу сувратни шаханшоҳ доим ўзи билан олиб юрарди ва х.к.

Маликанинг яхши кўрган сиргалари (биттаси синган), унинг кўйлаги парчаси, кўзойнаги шишаси, (уни ўзига хос шаклидан билиб олишди) ва х.к.

Шахзода камарининг тўгаси, шинели тугмалари ҳамда лахтаклари ва х.к. Маликаи олияларга тегишли кўплаб майда-чуйда буюмлар узуклари, пойабзалларининг бўлаклари, тугмачалар, кенгайчалар, пистончалар ва х.к.

Сийнабандларнинг олтига темир планшеткаси (агар курбонлар сонини эсга олсак, “6” ракамининг ўзи айтиб турибди: малика, тўрт маликаи олия, Анна Демидова ва маликанинг оксочи).

Доктор Ботконнинг сунъий жаги, кўзгучи синиклари, кийимларининг тугмалари ва х.к. Нихоят, суяклар ва куйган суякларнинг колдиклари, уларнинг бир кисми сульфат кислотасида эритилган, суякларда ўнта кескир курол ёки арра излари бор эди. Револьвер ўклари – улар, шубхасиз, тана ичида колган ва яна жуда катта миқдорда эритилган кўргошин.

хеч қандай умид колдирмайдиган ва унинг туфайли хакикат ўзининг бутун вахшийлиги ва дахшати билан фош бўлган кайгули рўйхат ана шулардан иборат эди.

Комиссар Воейков янглишди. Шох хонадони аъзоларини нима қилишганини эндиликда бутун дунё билади.

Бу орада котилларнинг патагига курт тушиб қолади. Улар терговни чалгитиш учун Екатеринбургда колдирилган агентлар котилларни суд терговлари жараёнида ушлаб турадилар. гадам-бакадам улар тергов муваффақиятларини кузатиб борадилар. Охири хакикат юзага чиқаётганини ва бўлган воқеадан тезда бутун дунё хабар топажанингла англагач, улар хавотирга тушиб қоладилар ва содир этилган котиллик учун айбни бир-бирига тўнкашга ҳаракат қила бошлайдилар. Улар ўшанда социал революционерларни жиноят содир этишда айблайдилар, гўё бу билан большевиклар партиясининг обрўини тўкмокчи бўлишган эмиш.

1919 йил сентябрида улар Пермда шох хонадонини катл этишда дахлдорликда ёлгондан айбланган 28 нафар шахс қўлга олинган ва судга топширилган эди, шундай беш махбус ўлим жазосига ҳукм қилинган ва ҳукм ижро этилган эди.

Бундай жирканч томоша энг буюқ тарихий жиноятлардан бири жавобгарлигини зиммасига олишдан қутулиш учун тап тортмай бегуноҳ одамлар жонига қасд этувчи бу қасларнинг нечоғли сурбет эканлигини яна бир қарра тасдиқлайди.

* * *

Яна Екатеринбург фожиаси билан узвий боғлиқ шох хонадонининг бошқа кўплаб аъзолари ўлми хақида хикоя қилувчи Алапаевск фожиаси борасида ҳам айтиб ўтишим даркор.

Маликанинг опаси, маликаи олия Елизавета Фёдоровна, буюқ княз Сергей Михайлович, шаханшоҳнинг амаки укаси, князлар, княз Константиннинг ўғиллари Иоанн, Константин ва Игорь, буюқ княз Павел Александровичнинг ўғли княз Палей 1918 йилнинг баҳорида

хибсга олинган ва Екатеринбургдан 150 чакиримча шимолда жойлашган хийла ихчам Алапаевск шахрига жўнатиб юборилган эдилар. Варвара Яковлева деган бир рохиба (маликаи олиянинг доимий хамрохи) ва буюк княз Сергейнинг котиби С.Ремез улар билан хибсда бирга бўлганлар. Уларни мактаб хоналаридан бирида туткунликда саклашарди.

17 дан 18 июлга ўтар кечаси, Екатеринбург жинояти содир этилгандан 24 соат ўтгач, сизларни бошка жойга кўчиришимиз керак, деган бахонада махбуслар олдига кишилар келади ва уларни Алапаевскдан кўпи билан ўн икки чакиримча нарига олиб кетишади. Хша жойда уларнинг барчасини отиш ташлашади. Хлганларнинг жасадлари ташландик шахтага иткитилади, шу жасадлар 1918 йил октябрида топиб олинади. Улар курбонларнинг азоб-укубатларига чек кўйган кўл гранаталари портлаш окибатида ўпирилиб тушган тупрок тагида қолиб кетган эди.

Мурдаларни текшириб чиқилганда фақат буюк княз Сергей баданидагина ўт очувчи курол излари топилган. Унинг шериклари қандай ўлдирилганини тергов аниқлай олмади. Афтидан, улар милтик кўндоклари билан уриб ўлдирилган.

Вахшийлик билан кўз кўриб, кулок эшитмаган бу жиноят Екатеринбург Кенгаши Президиумининг аъззоси комиссар Сафаров иши эди, у, дарвоқе, Москва фармойишларини ижро этувчи гумашта эди, холос.

* * *

Екатеринбургни аксилбольшевистик кўшинлар эгаллаб олгандан бир неча кун ўтгач, шаҳарда тартиб ўрнатиш ва ўликларни кўмиш ишлари олиб борилаётган бир вақтда камокхонадан сал нарида иккита жасад казиб олинди. Жасадлардан бирининг ёнида фукаро Долгорукий номига 80000 рубл пул олиш учун тилхат бор эди, гувоҳлар берган кўрсатмалардан яқкол равшан эдики, бу княз Долгорукийнинг жасади бўлган. Иккинчи жасадга келсак, бу генерал Татишчевники эканига тўла асослар бор эди.

Униси ҳам, буниси ҳам, ўзлари олдиндан айтишганидек, хаётларини шаҳаншоҳга бағишлаган генерал Татишчев бир куни Тобольскда менга шундай деганди: “Тирик колмаслигимни биламан. Мен фақат бир нарсани сўрардим: мени шаҳаншоҳдан ажратмасинлар ва у билан бирга ўлишимга имкон берсинлар”. У лоакал мана шу кичик ниятига ҳам ета олмай ўлиб кетди.

Графиня Гендрикова ва m-lle Шнейдер Екатеринбургдан шох хонадони катл этилгандан бир неча кун кейин олиб келинган ва Пермга жўнатишган, 1918 йилнинг 3 дан 4 сентябрига ўтар кечаси отиб ташланган эдилар. Уларнинг жасадлари топилган ва 1919 йилнинг май ойида хақиқийлиги тасдиқ этилган эди.

Нагрний (Александр Николаевич пайтида матрос бўлган) ва карол Иван Седневга келсак, уларнинг хар иккиласи ҳам 1918 йилнинг июни бошларида Екатеринбург атрофларида ўлдирилган эди. Икки ой ўтгач, уларнинг жасадлари улар катл этилган жойдан топилган.

Генералдан тортиб матросгача бу барча одамлар хаётларини курбон қилишдан заррача хайикмаганлар ва жасорат ила ўлимга тикка борганлар. Мана шу содда-баёвгина

матрос, украин йигитчаси ўлимдан жон саклаб колмоги учун биргина сўзни айтса кифоя эди. У шаханшоҳдан воз кечдим деса бўлди эди. Худди шу сўзни у айтмаган. Улар самимий ва жўшқин туйгулар ила ўзлари севган, атрофига ана шундай мард ва фидойи инсонлани тўплашга муяссар бўлган кишиларга жонларини қурбон қилдилар.

“Детектив и политика” (Москва)
нашрининг 1989 йил 4-сонидан олинди
“Жахон адабиёти”дан